

МИРЗО КАРИМ

**ОРАНГИЗДА ОНАМ
БЎЛСАЙДИ**

Шеърлар

«BAYOZ» нашриёти
Тошкент – 2018

УДК: 821.512.133-1

КБК 84(5Ў)7

М-96

Мирзо Карим.

Орангизда онам бўлсайди: шеърлар / 2-нашр / Мирзо Карим. Мухаррир: Озода Тўракулова. – Тошкент: BAYOZ, 2018. – 112 б.

ISBN 978-9943-4145-1-8

Mirzo Karim (Toshboltayev Mirzakarim O‘rinboyevich) 1968 yil 1 martda Farg‘ona viloyati Buvayda tumani Bekobod qishlog‘ida tavallud topgan. 1985–92 yillarda Toshkent Davlat Farmatsevtika institutida tahsil olgan. Oliy ma’lumotli dorishunos. “Qo‘qonjonga qiz uzating” nomli ilk she’riy to‘plami 1996 yilda nashr etilgan.

Zukko mushtariy, shoirning qo‘lingizdagи kitobidan ham ko‘nglingizdagini topasiz deb ishonamiz.

УДК: 821.512.133-1

КБК 84(5У)7

ISBN 978-9943-4145-1-8

© Мирзо Карим, 2018

© «BAYOZ» нашриёти, 2018

МИРЗОЛАРНИНГ МИРЗОСИ

Бувайда сирли жой. Ҳар ҳолда, болалиқдан менда шундай таассурот қолган. Турли-туман қадамжоларнинг кўплиги. одамларининг камгап. камсуқумлиги (одатда оғир-босиқ одамлар ҳам сирли кўринишади), меҳнаткашлиги, санъат севарлиги ва бошқа сифатлари билан кўнглимга ўрнашган. Қўшниларимиз Бувайданинг Поп туманига туташ ерларида шоли экишарди. Гоҳида биз ҳам қаравшани бориб турардик. Гуруч етиштиришнинг меҳнати нақадар қоралигини ўшандা билганман. «Ҳа, шунақа, ош ейиш осонмас», деб қўйишарди шоликорлар. Зовурлар тепасида айлана учган лайлаклар, симёғочларга салладек ўралган уялар ҳам кўз олдимда турибди. Айтгандай, Бувайдада хосиятли жойлар кўп: Пошшопиримдаги шифобахш қум барханлари этингиздан ўтиб, суюнгизга ёпишган дардингизни олади. Ер остидан билқиллаб чиқиб турган қайноқ сувини айтмайсизми... Афсуски, бу сувнинг қадрини ҳали кўпчилик билмайди. Ана шу ўринда бувайдалик шоир дўстим Мирзо Каримни эсламаслик мумкин эмас. Бу беозор, мўмин, содда, дилкаш йигитни кўрганда ёки қўшиқ бўлган шеърларини эшитганимда кўнглим ёришиб кетади. «Бормисан-э, ўртоқ!» девораман. Қўшиқнавислар орасида ўткири шу! Чунки, у қўшиқ эмас, шеър ёзади. Яна бир жиҳати борки. унинг ёзганларидан устоз Муҳаммад Юсуфнинг нафаси келиб туради. Яхши кўрасан-да одам!

Мирзонинг кичиккўнгиллигида ажиб бир улуғлик бор. Тортиниб туришида ўзига хос кенгликтини кўраман. Ахир. ўзини бозорга соладиган, «дурбинда ҳам фақат ўзини кўрадиганлар» камми? Гўё у вақтдан адашиб, мавлоно Муқимийнинг даргоҳидан ҳозиргина чиқиб келгандек.

Мирзонинг ижодидан яхши хабардор бўлган бир дўстимиз «у мен шоирман, Мирзоман деб оширворади», дейди. Жавобан «дўстим, агар Навоий мезонул авзон бўлса, саноқлиларгина тош босарди, шоир ҳам замонга нисбатан нисбий» дейман. Рост-да! Бугун қаерда бўлса, албатта, Мирзонинг кўшиғи янграйди. Шинаванда давраларда лутфан «Мирзо ундоқ депти, Мирзо бундок депти» деган гаплар айланади. Менимча, замонанинг эътирофи шу.

Ҳамма даврнинг, ҳамма тоифанинг ўз мирзоси бўлади. Уларнинг рўёбга чиқиши фақатгина омадга боғлиқ эмас. Агар ҳалқда эҳтиёж бўлса, мирзоларни ўзи одам қилиб олади. Мирзо Карим элнинг кўнглидаги, тилидаги гапларни самимий сатрларга солиб, қанот баҳш этаётган заҳматкаш мирзолардан. Мен унинг Пошшопиirimнинг қайноқбулоқларидай юрагига ҳавас қиласман.

Дўстим ўн беш йиллар бадалида энди тўплам тайёрлабди. Карасам, бинойидек. Табрикладим. «Кўнглимда гапларим бор, ёзиб берсам майлими», деб илтимос қилдим. Кўнди. Хурсанд бўлдим. Сезиб турибман, Сиз ҳам мендай хурсандсиз, азиз шеърхон!

Иқбол МИРЗО,

Ўзбекистон халқ шоири

*Шеър – эҳтирослар ихтироси, қалб
кашифиёти! Бу йўлда ҳамон изланишадаман.
Ҳавола этаётганларим – кўнгил тажрибаси
холос. Натижса эса, сиз қадрдан мухлислардан.*

*Ёзганим айланиб кетар қўшиққа,
Ҳали ҳисоб эмас, ҳали дил ярим.
Орзу-армонларга юрагим жиққа,
Энди шеър бўлади ёзмаганларим!*

Муаллиф

ДИЙДОР

Интизорим райҳонларда барк,
Софинчлардан атиргул дил қон...
Қарши олди қўзларимни завқ,
Куз йиғмаган гулли дастурхон.

Тонг нурила айладим таъзим,
Сингиб кетди борлиққа ха, тан!
Даҳр аро бир диёри азим –
Ассалому алайкум, Ватан!

ОСТОНА

Қишлоқнинг йўллари аввали сўқмоқ,
Эринмай қайрилган ўнгу сўлга ҳам.
Кўнглингда бўлса гар Ватанни уқмоқ,
Мехринг тушиб қолар тақир чўлга ҳам!

Сүқмоқда сўқилган юрагим чени,
Онам бизни бундан этаклаб ўтган.
Дунёни кўрсин деб бу йўллар мени
Катта шаҳарларга этаклаб кетган!

СОҒЛОМ БОЛА ЙИЛИ

*Фарзандларимиз биздан кўра кучли, билимли,
доно ва албатта баҳтили бўлишилари шарт!
Ислом Каримов*

Сочимда оқ, кўзларимдан кетмоқда нур,
Эски уйинг бузмай туриб янгисин қур,
Чироқ ёқар чироғим бор, беҳад шукр,
Армон гирён, аламларга алам етсин!
Мен етмаган орзуларга болам етсин!

Миллиард юлдуз ўрнин битта ой босади,
Кўз ёш қилсан, бу дунёни сой босади,
Дерлар: – бир кун от ўрнини той босади,
Юракдаги етмиш йиллик ярам битсин!
Мен етмаган орзуларга болам етсин!

Адолатдан адл яроғ тутган аждод,
Боболарин рухини шод этган авлод,
Эзгуликни эзолмагай ҳеч бир жаллод,
Ўз сўзини қурол эмас, қалам айтсин!
Мен етмаган орзуларга болам етсин!

Ўзбегимдан чиққан неча Улуг беклар,
Еру кўкда излари хуш қутлуғ беклар,
Исломбеклар, Иймонбеклар, Ўтлуғбеклар,
Самодаги Самарқандга қадам етсин!
Мен етмаган орзуларга болам етсин!

Кўкида йўқ ёв учирган темир калхат,
Қора хат йўқ, бизда оппоққина қорхат.
Қон хатлар йўқ, зор хатлар йўқ, ёрга ёр хат,
Эл тинчлигин қийғос гулли бодом айтсин!
Мен етмаган орзуларга болам етсин!

Гар баҳтсизман десам ранжиб қолар Ватан,
Бу – уммонда чанқаб қолдим демоқ экан,
Чунки Мирзо орзулари жуда улкан,
Болам айттар: – Отам етсин, отам етсин!
Мен етмаган орзуларга болам етсин!

ВАТАН БАХТИ

Баланд-баланд қояларга тошлар
соя сололмайди,
Чагир тошлар, бағри тошлар асл
қоя бўлолмайди,
Бир тан бўлиб бирлашайлик, бир ёқадан
чиқариб бош,
Олди-қочди, майда-чуйда фараз
ғоя бўлолмайди.

Бўлингани бўрилару, айрилганни
айик еган!
Ким иноқдир бу дунёда шу эл баҳтга
лойик экан!

Боболарим заҳматидан бу дунё ҳам
дунё бўлган,

Момоларим одатидан ҳаё бўлган,
ибо бўлган.

Билмаганлар билиб қўйсин, билган ҳавас
қилиб қўйсин,
Неча бобом доно бўлган, неча бобом
Мирзо бўлган!

Отамиздан қолган макон биздан
мерос боламизга,
Ота-ўғил от чоптирсак фахрларга
тўламизда.
Тупроғи зар, аҳли заргар, азиз юртим
бўлсин омон,
Бир кун ўтсак тупроқ бўлиб, биз ҳам
Ватан бўламизда!

Кўз тегмайин порлайвергин, чақнаган кўз
нурим Ватан,
Қайга борсам ягонамсан, дилимдаги
дурим, Ватан,
Жоним берай жонажоним, қадри
буюк қадрдоним,
Сен паноҳим саждагоҳим, ор-номус,
ғурурим, Ватан!

Бўлингани бўрилару, айрилганни
айиқ еган!
Ким иноқдир бу дунёда шу эл баҳтга
лойиқ экан!

ВАТАН БҮЛМАСА

Оқар дарё қадр билан оққани яхши,
Хар ким бахтин ўз элида топгани яхши.
Ўзга юртнинг гулига юз босгандан кўра,
Ўз юртнинг тупроғини ўпгани яхши.
Булбул бўлиб авжинг бўлмас чаман бўлмаса!
Инсон бўлиб қадринг бўлмас Ватан бўлмаса!

Бу кунларни кимлар орзу қилмаган, айтинг!
Қачон эзгу йифлаб сўнгра кулмаган, айтинг!
Бу кун, бу юрт қадрин билмас бўлса бирор ким
У ўзини кимлигини билмаган, айтинг!
Булбул бўлиб авжинг бўлмас чаман бўлмаса!
Инсон бўлиб қадринг бўлмас Ватан бўлмаса!

Боболарим босган изи дунёга сўқмоқ,
Темур амри мудом адл чироғин ёқмоқ,
Ибн Сино – шоҳи табиб олам дардига,
Улуғбекдан мерос қўқдан жаҳонга боқмоқ,
Булбул бўлиб авжинг бўлмас чаман бўлмаса!
Инсон бўлиб қадринг бўлмас Ватан бўлмаса!

Одам фоний, бўлолмагай фалакка устун,
Ватан қадрин устун айла юракка дўстим.
Мирзо дегай шоир болам деган сўзига,
Шу Ватанга қалқон бўлсин шеър тўла қўксим!
Булбул бўлиб авжинг бўлмас чаман бўлмаса!
Инсон бўлиб қадринг бўлмас Ватан бўлмаса!

ОРАНГИЗДА ОНАМ БҮЛСАЙДИ

Ярим күнглим қани түлсайди,
Гүдак қалбим дийдор күмсайди.
Сочлари оқ, хаста бўлса ҳам,
Орангизда онам бўлсайди!

Уч ёш эдим, ёш қолиб кетдим,
Кўзларимда ёш, қолиб кетдим,
Ёш боладай эркалаб айтдим:
Орангизда онам бўлсайди!

Онаси бор кўнгли ойдами?
Давраларда ёки тўйдами,
Сўнгги қатор, сўнгги жойдами,
Орангизда онам бўлсайди!

Фарзандларин тўйин кўрмаган,
Набиралар бўйин кўрмаган,
Хеч бўлмаса қирқга кирмаган,
Орангизда онам бўлсайди!

Яша, менинг шоир болам – деб,
– Ўша менинг шоир болам – деб,
– Ўзим сенга қойил, болам – деб,
– Машрабликка мойил болам – деб,
Орангизда онам бўлсайди!

Тунларимни тонгга улардим,
Оналарга умр тилардим,
Балки, машхур шоир бўлардим,
Орангизда онам бўлсайди!

Юзи ажин, кулгичи кулган,
Чаккасига райхонлар илган,
Фарғонадан Тошкентга келган,
Орангизда онам бўлсайди!

Қадамимни юрак билан ҳис,
Минг бир ичра англаган ёлғиз,
Энг буюк ва энг содик мухлис,
Орангизда онам бўлсайди!

Фариштадек оқ рўмол ўраб,
Ҳожи она бўлиб-ей, ё Раб,
Яратгандан файзимни сўраб,
Орангизда онам бўлсайди!

Юраккинам эрка – шўх эди,
Армонлардан тилка – чўғ энди,
Мендан баҳтли инсон йўқ эди,
Орангизда онам бўлсайди!

Айтиш қийин энди қолганин,
Дунё олмас дардим олгани,
Ҳасса қўйиб қарсак чалгани,
Орангизда онам бўлсайди!

Эй, баҳтиёр онаси борлар,
Эй, Мирзодек онага зорлар...
Ўқир эдим шодон ашъорлар,
Орангизда онам бўлсайди!

БАЧҚИРАРИҚ

Дұстимга

Бир ариқдан сув ичган,
Бир хил қонмас экан-да.
Ғайратдан қуйиб пишган,
Тутаб ёнмас эканда.

Кафтларидан түкілған,
Сүзлар бизнинг ризқимиз.
Хар бир сатр ўқилған,
Шеърда қолар ишқимиз.

Бўлсинлар сувдек сероб,
Сув бошида турғанлар.
Мирзоларга у мироб,
Биз дуода юрганлар.

Ўлмас асар Тўпача,
Хар шеърин бор эгаси.
Кўнгил бўлсин супача,
Келса Содиқ чегачи.

Сув қадрин билсанг Мирзо,
Бекобод қолмас чўллаб.
Қўштегирмонга Худо,
Дарё берган қўшқўллаб.

Бачқириқда неча,
Шоирлар дил чаяди.
Зўр шеърларни менгача,
Иқбол ёзиб қўяди!

ЖАЙРА

Дилдоралар дилим поралар,
Ишк дардига борму чоралар?
Бевафо ул юзи қоралар,
Жайра, жайра, кўксимда яйра!

Бордир тифинг бордир тиконинг,
Аён эрур яхши-ёмонинг,
Бағрим бўлсайди ошиёнинг,
Жайра, жайра, кўксимда яйра!

Суянганим ғаюр тош ўлса,
Суюклигим унсиз лош ўлса,
Ёр деб мангу кўзда ёш ўлса,
Жайра, жайра, кўксимда яйра!

Силлиққина илондан кўра,
Кел кўйнимга, найзали жайра...
Очиқ ойдин жонимни сўра,
Жайра, жайра, кўксимда яйра!

Сен бир дунё, мен ўзга олам,
Лек жимгина тингларсан нолам,
Нишларингдан қочсин қўрқиб ғам,
Жайра, жайра, кўксимда яйра!

Ёр жонимда балқан ҳилолдир,
Оний ёлғон, асрий заволдир!
Сенинг найзанг майса мисолдир,
Жайра, жайра, кўксимда яйра!

ОРЗУ

Яхшиям орзунинг айби йўқ экан,
Айби йўқ экану ўрни чўғ экан.
Парижга бораман жоним соғ экан,
Бунча юрагимни сиқасан, хотин!
Хитой деворига чиқасан, хотин!

Тўлдириб бўлмайди рўзгор ғорини,
Хасислар қизғонар қишда қорини,
Кўриб тургин ҳозир уй деворини,
Бунча юрагимни сиқасан, хотин!
Хитой деворига чиқасан, хотин!

Қани гапиргандан хунобим чиқса,
Қарзин сўраб қўшни жанобим чиқса,
Мен ойга чиқаман китобим чиқса,
Бунча юрагимни сиқасан, хотин!
Хитой деворига чиқасан, хотин!

Барака топгурум эрни уқиб тур,
Осмонни истама ерни уқиб тур,
Шу сенга аталган шеърни ўқиб тур,
Бунча юрагимни сиқасан, хотин!
Хитой деворига чиқасан, хотин!

* * *

Шоирлик манзили бўларкан йироқ,
Йўлларда дуч келдим ари уяга.
Минсам қувонардим бундан яхширок,
Ҳаммомни ахтариб юрган тужага!

ОНА ТИЛИ

Она тили мұхим фан экан,
Эх, қүнт билан олмабман сабоқ.
Китоб маҳал ҳолим танг экан,
Бори-йўғи уч ярим табоқ.

Бой берилган фурсат чекар ох,
Бўлолмадим мен мутахассис.
Тилни бузиб қўймоқлик гуноҳ,
Мутахассис гоҳ муте, хасис.

Она тилим, басирман, басир,
Боланг бўлдим мен битта бебош.
Шеъриятда қурмоққа қаср,
Сенда экан билдим тамал тош.

РОҲИЛАНИНГ СИГИРИ

Эгиз бузоқ туғибди,
Роҳиланинг сигири.
Роҳила хурсанд қарап,
Сигирига югуриб.

Бир йиғлади қувончдан,
Самар топди ҳаракат.
Умидворнинг дастига,
Оллоҳ берди барака.

Сигирининг шохига
Қўзмунчоқлар тақибди.
Ҳилола ҳам билсин деб,
Тошкентга сим қоқибди.

Тутиб ему атала,
Исириқлар солибди.
Сигирнинг ҳам, унинг ҳам,
Бағри тўлиб қолибди.

Бир ажойиб ҳис билан
Мехри жўшиб кетади.
Роҳиланинг ёшлиги
Ёдга тушиб кетади.

Кенг ҳовлида отаси,
Қоя бўлиб туарди.
Етти жонга елкаси,
Соя бўлиб туарди.

– Яша, она қизим, – деб,
Югуриб елмасмиди.
Энг биринчи шу ота
Суюнчи бермасмиди.

Ширин-ширин хаёллар,
Кўз ўнгидан узоқлар.
Роҳиланинг ёнига
Чопиб келар бузоқлар.

* * *

Бирор кўз йўқ тўлмаган кўз ёш,
Ҳеч дилни ғам четлаб ўтмаган!
Ғам устидан кўтармассанг бош,
Кўтарилемас бош устидан ғам!

БУЮК ТИНЧЛИК

Яна Афғонистон оловли жанггоҳ,
Яна Қандаҳорнинг “Қора дараси”.
Чап кўксим дайди ўқ ялаб ўтди, ох,
Тамаки чўғидай тутар яраси!

Кўзимдан чиққан ўт кўкка туташди,
Ерга сингиб борар зирқираб танам.
Кимдир менга ёрдам бермоққа шошди,
Бир қултум сув беринг ҳаммасидан ҳам.

Вужуд остин-устун, хотирим карахт,
Хаёлим саҳнида жинлар ялласи.
О, қайда ётибман, шарақу шарак,
Жонсиз аскарларнинг темир салласи!

Дафъатан ўзгарди осмоннинг ранги,
Қайдандир дилимга кириб келди нур.
Тугади бу қалтис томонлар жангиги,
Хайрият, яна туш экан қурмагур.

Тепамда ёrim дер артиб юз-кўзим,
Тиклансин Афғоннинг ғишту синчлиги.
Яrim тун ҳайқирдим ўзимдан ўзим,
Яшасин юртимнинг буюк тинчлиги!

ДАДАМНИНГ МУХЛИСЛАРИ

(Киличбек Мадалиев)

Унутмайсиз ҳеч қачон,
Неча йил ўтган сари.
Омон бўлинг қадрдон,
Дадамнинг муҳлислари.

Ҳаёт экан бешафқат,
Дилда армон қатма-қат,
Барчангизга минг раҳмат,
Дадамнинг муҳлислари.

Бошингизда ой бўлсин,
Иймонингиз бой бўлсин,
Үйингизда тўй бўлсин,
Дадамнинг муҳлислари.

Кўнгли қучоғидан кенг,
Бири ёқа, бири енг,
Яқинимсиз менинг энг,
Дадамнинг муҳлислари.

Ёд этибсиз магар сиз,
Қариндошсиз, жигарсиз,
Жонимга жон қадарсиз,
Дадамнинг муҳлислари.

Ўзим кесай аламни,
Дадил босиб қадамни,
Эслатасиз дадамни,
Дадамнинг муҳлислари.

ЮРТ СОГИНЧИ

Питер катта шаҳар, обида шаҳар,
Кўз қувнар қадими меъморийлар зўр.
Асрий асарлардан қолмагай асар,
Шу улкан шаҳарда юрт соғиниб кўр!

Ҳар йилдан бу йили Нева лиммо-лим,
Баҳайбат кемалар чайқаб ўтар бош.
Ким билсин, бир бора дардим очгандим,
Тошкентни соғиниб тўккан эдим ёш.

Мусофир дўстларим, меҳмонман авфли,
Мирзо сўнгги шеърин ўқиб кетади.
Икки ойдин ортиқ қолишим хавфли,
Кўз ёшимга Питер чўкиб кетади!

УМР

(Қадрдон акам Баҳромжон Раҳимовга)

Ер юмалоқ, дийдор мукофот,
Этмоқ керак Ҳизрни орзу.
Кимни аяб қўйган бу хаёт,
Сочларингиз қора эди-ку.

Қора тортиб келганман сизни,
Оппоқ тилак йўлимда ёғду.
Тез танидим кўзларингизни,
Сочларингиз қора эди-ку.

Бахтиёрсиз, кўрдим хотиржам,
Юздан ошиқ сайрасин какку.
Оққўрғонлик оқкўнгил акам,
Сочларингиз қора эди-ку.

Йигирма йил айтмоққа осон,
Кимлар келиб, кимлар кетди-ку.
Майли ака, бош бўлсин омон,
Сочларингиз қора эди-ку...?
Сочларингиз қора эди-ку...?

АКСИ

Самолётлар парвозда қун-тун,
Хаёлимни олиб кетади.
Яна битта ўтли шеър учун
Дилга илҳом солиб кетади.

Қурби етар қурбақанинг ҳам,
Саёҳатчи бўламан деса.
Ширин ўйлар қўймас хотиржам,
Тинчлик бермас бу кўнгил эса.

Нетай, сочда кўпаймоқда оқ,
Мехмонимиз азим дунёнинг.
Римни қўмсаб қолсанм ўзим гоҳ,
Париж кўрсин дейман Мирзони.

Саҳар чиқиб кетгум таксига,
Таскин излаб дилдаги охга.
Нима қиласай, олиб аксига
Уйим яқин тайёрагоҳга.

ЁШЛИК...

Кечагидек ёдимда бари
Армонлари қийнаб ўтади.
Қайтиб кетган баҳор сингари,
Ёшлик бизни ташлаб кетади.

Кимга ёқиб баҳт чироғини,
Кимга тутиб ишқ шаробини,
Қалбга солиб сўнг фироғини,
Ёшлик бизни ташлаб кетади.

Юзлари гул, сўзлари асал,
Гўзал бўлгин бир умр гўзал,
Чиройингга битгунча ғазал,
Ёшлик бизни ташлаб кетади.

Бўй эгилиб, оқаради соч,
Ёмон ҳислар, юрагимдан қоч,
Давр экан, Мирзо, не илож,
Ёшлик бизни ташлаб кетади.

* * *

Жоним хаста, жонлигин дейму?
Ярим кўнглим хонлигин дейму?
Не дилларга малҳам битсаму,
Юрагимнинг қонлигин дейму?

ТИТАНИК

(Маълум бўлишича, Титаникдаги йўловчиларни тўлиқ омон сақлаб қолиши имконияти бўлган. Фақат киборлар камбагаллар чиққан қайиқка чиқишмай ёки аксинча... Шу зайл қимматли фурсатлар бой берилган экан...)

Кибр ўлсин, ер ютсин, кибр
Бир фалокат бошлиши аниқ.
Бой-ю, факир бўлса ҳамфир,
Чўқмасмиди балки Титаник!

Бир ёқадан чиқаришиб бош,
Чимирмасдан бири-бирига қош,
Бўлса бир тан, бир жон кемадош,
Чўқмасмиди балки Титаник!

Киносини кўрганда ҳар дам,
Дод дегайман беролмай ёрдам...
Акулага ем бўлмай одам,
Чўқмасмиди балки Титаник!

Инсон дўстдир, тенгдир нафақат!
Кимда қаср, кимда нафақа.
Бўлмаганда фарқу, табақа,
Чўқмасмиди балки Титаник!

Титаникка ўхшар Ер шари,
Кибру-ҳаво урчиган сари,
Сабоқ бўлган бизга илгари,
Чўқмасмиди балки Титаник!

ДИЛДОШЛАР

Игна билан қудук қазисам,
Күл бўлишим кўзлаётганлар.
Кошки, изингизга арзисам,
Китобимни излаётганлар!

Ҳар нафасда топингиз ҳузур,
Ҳар ҳавасдан сўрайман узр,
Йўлингизда учрасин Ҳизр,
Китобимни излаётганлар!

Сазангиз ҳеч сарсон бўлмасин,
Орзунгиз армон бўлмасин,
Шоирлигим ёлғон бўлмасин,
Китобимни излаётганлар!

Тош теккан тошюрак эканман,
Эрмакларга эрмак эканман,
Керагимга керак эканман,
Китобимни излаётганлар!

Гоҳи тонггим отади бедор,
Гоҳи онгим қотади девор.
Сиздан бўлак кимгинам ҳам бор?
Китобимни излаётганлар!

Дил ёндирисин ҳар шеъру, ғазал,
Ўзим Мирзо кўнглига маҳтал,
Мени менга топишинг аввал,
Китобимни излаётганлар!

ОТА

Отам доно эди, Худо раҳмати,
Дунёни биларди туғишидан ой.
Пешонам силаса тирнарди кафти...
Кўллари қадофу, кўнгли ҳотамтой.

Олти йил опичлаб юрди онамдек,
Ўзидан қўймади бир саржин нари.
Тинглаб ётар эдим ухлагандек тек,
Йиғлаб алла айтган тун кечалари...

Дунёи бевафо исботи ўзим...
Кўрсатдим отамга нима каромат?
Гоҳ қучиб ўғилчам йиғласам юм-юм,
Ёр дейди: – Феълингиз бор-да, аломат...

Сен қайдан биласан? Келгансан кеча,
Эслайман эҳ... Қандай отам бўлганин...
Бир армон аrimас қиёматгача...
Отам кўрмади-да одам бўлганим...

УСТОЗЛАРГА

Бир болага етти маҳалла,
Берса бўлар одил тарбия!
Дейман омад кулган маҳалда,
Неча устоз оқ йўл берди-я!

Ким санаса бармоғин ёйиб,
Деса – қолган ишларда ўзим –
Мен қўлларим қўксимга қўйиб,
Устозларга қиласман таъзим!

МУҲАББАТГА АЧИНАМАН

Жоним кетар омонатлик,
Фақат иймон қиёматлик,
Икки дунё хиёнатлик,
Муҳаббатга ачинаман.

Умр-шамдир ёниқ қолмас,
Исмим жаҳон таниб қолмас,
Менсиз дунё камиб қолмас,
Муҳаббатга ачинаман.

Сарсон бўлган диллар аро,
Куйган, ёлғон тиллар аро,
Шунча ўтган йиллар аро,
Муҳаббатга ачинаман.

Мажнун кўзин қум кўмади,
Мирзони дўст – шум кўмади.
Ўлса уни ким кўмади?
Муҳаббатга ачинаман.

* * *

Орзуим бисёр-ку нурдан бокира,
Армонлар чалғитиб кетар қаёққа?
Қўлга ололмасам ўзимни сира,
Туришим керакдир ҳеч йўқ оёққа!

ТИЛАК

Зар тўла сандиқ ҳам бўшайди бир кун,
Қасрлар ғарибга ўхшайди бир кун,
Фарзанд-ла кулба ҳам яшнайди бир кун.
Чироги ўчмаган эшик бер, ҳаёт!
Аёл қучогига бешик бер, ҳаёт!

Муҳаббат ғунчасин ҳазон айлама,
Ширин орзуларин армон айлама,
Ёрни ёр қошида сарсон айлама,
Жондан ортиқ севар ошиқ бер, ҳаёт!
Аёл қучогига бешик бер, ҳаёт!

Кимнидир ўйлатмас фарзанд уволи,
Беш кунлик дунёнинг айши-хаёли,
Ёрни ёр этгувчи жуфтиҳалоли,
Мардларга муносиб маъшуқ бер, ҳаёт!
Аёл қучогига бешик бер, ҳаёт!

Болали уй бозор, боласиз – мозор,
Тирноққа зор дилга бермангиз озор,
Мирзода бир тилак эй, Парвардигор,
Алладай жон физо қўшиқ бер, ҳаёт!
Аёл қучогига бешик бер, ҳаёт!

* * *

Шеър билан оламни қучворишим бор!
Юлдузлар ёнига учворишим бор!
Сиз ҳасад ўтини ёндириш туринг,
Бир зумда баридан кечворишим бор!

КАТТА УЙ

Ўзгаради кўчамиз,
Ўзгаради хўжамиз.
Хўжамиз уй сотибди,
Болам, яна кўчамиз!

Кимга ака тутиндинг,
Кимга ука тутиндинг?
Жажжи қўлчангни силтаб,
Хайрлашиб ютиндинг!

Кунни чўчиб кўраман,
Ёниб-ўчиб кўраман!
Бойлигимни билгани,
Хар ой кўчиб кўраман!

Бир беминнат гўша йўқ,
Дилдан меҳрпеша йўқ!
Тошкентдайин азимда,
Мен кўрмаган кўча йўқ...

Ухлатмайди қарзларим,
Сурункали дардларим...
Номардлардан қўп куйдим
Қаердасиз, мардларим?

Фурқатманми ё Машраб,
Қоламан бошим қашлаб.
Ижара уйга даллол,
Келади мижоз бошлаб...

Мошинда ўсган болам,
Рул буришлар бўлса бас!
Тақдир рулин буришга
Отасин кучи етмас!

Қишлоқдаям пахсам йўқ,
Қондошларга боқсам йўқ...
Ҳовли-жой-ку ширин туш,
“Дом” олишга ахчам йўқ!

Шунинг учун машҳурман,
Ҳар туманда билади.
Жуда катта уйим бу –
Ўзбекистон бўлади!

ОНАМ БЎЛМАЙДИ

Ярим тун қайтаман уйимга гоҳи,
Ҳатто келганимни ёрим билмайди.
Юрагимни тиғлар жудолик оҳи,
Остонада энди онам бўлмайди.

Тўй қилсан ҳовлида лиқ тўла одам,
Наҳот шундай кун ҳам кўнглим тўлмайди.
Балки меҳмон бўлар бутун бир олам,
Тўйхонада энди онам бўлмайди.

Кулбасин гардини кўзга сурарман,
Кулмаган омадим, кечроқ жилмайди...
Гарчи, Худо берса қаср қуарман,
Кошонада энди онам бўлмайди.

Кўзимга тор бўлиб кетганда дунё,
Довон узра бир қўл аста имлайди.
Шошдан шошиб борар кўзда ёш Мирзо,
Фарғонада энди онам бўлмайди!

Ярим тун қайтаман уйимга гоҳи,
Ҳатто келганимни болам билмайди.
Юрагимни тифлар соғинчлар оҳи,
Остонада энди онам бўлмайди!..

МАСЛАҲАТ

Кўп гап керак бўлганда агар,
Кун кўрардим ўзим гап сотиб...
Зар қадрига етмаса заргар,
Этиқдўзга нима тутокиб...

Шеър ёзмоққа керак муҳим гап,
Ўлик сўзга ток улай билинг.
Бир вагон гап бермаса бир наф,
Вагон сўзин таржима қилинг!

Сўзларингиз қалбни этсин ром,
Қалқсин ҳатто тошдилнинг таъби.
Ёзинг фақат келганда илҳом,
Фавқулодда вазият каби!

* * *

Қайси шогирд тақлид қилмас устозга,
Тустовуқ эргашмас ҳар ҳолда ғозга.
Қулоқлари обдон буралгай ахир,
Дутору танбур ҳам тушгунча созга!

КУМУШ МОМО

Ҳар ким ёрга суйиб етсин, Кумуш момо,
Ҳар ким бир ёр бирла ўтсин, Кумуш момо.
Дилимдаги армон – ўтдан олов чиқиб,
Кундошли уй куйиб кетсин, Кумуш момо.

Ўтган кунлар ўтиб кетди, ўтди Зайнаб,
Кун кўрдингиз кафтингизда чўғлар ўйнаб,
Бир дард қолди юрагимдан ўтмай қийнаб,
Кундошли уй куйиб кетсин, Кумуш момо.

Марғилоннинг атласидан қуйлак кийиб,
Юрсангиз ким келин қилмас эди суюб,
Нетай, Ўтган кунни эслаб кетсам куюб,
Кундошли уй куйиб кетсин, Кумуш момо.

Кунлар ўтар, Кумуш номи бор бўлади,
Неча-неча юракларда зор бўлади,
Яна қанча Мирзо сочи қор бўлади,
Кундошли уй куйиб кетсин, Кумуш момо.

ИЗН

Дилозор дунёда дил хунми?
Ёдимга келсангиз тун кунми?
Бир лаҳза дилни шод этмоқقا
Мен сизни ўйлашим мумкинми?

Офтоб жон куйдириб ботганда,
Моҳтобхон хандалар отганда,
Сиз ширин туш кўриб ётганда,

Мен сизни ўйлашим мумкинми?
Эзган дам армонлар қўчкини,
Жонимда бир умид учкуни,
Бўлмагач юракнинг ҳеч кими...
Мен сизни ўйлашим мумкинми?

Худойим айласин ҳимоят,
Тилагим хотиржам иноят,
Ёд олиш бўлмаса жиноят...
Мен сизни ўйлашим мумкинми?

ҚЎҚОНЖОНГА ҚИЗ УЗАТИНГ

Муҳаббатга кўп ишонманг, муҳаббатга,
Туркман қиз ҳам ёр бўлмади Муҳаммадга.
Опажонлар, орзу-ҳавас тиласангиз,
Қўқонжонга қиз узатинг, Қўқонжонга.

Қизингизнинг маликадай баҳти бўлар,
Муҳаббатда унинг тилло тахти бўлар.
Беш вақт намоз ўқишга ҳам вақти бўлар,
Қўқонжонга қиз узатинг, Қўқонжонга.

Ҳар ҳовлиниңг ўртасида гулзори бор,
Момолари суюб чалган дутори бор,
Кўнгилда куй эшиитмоқнинг хумори бор,
Қўқонжонга қиз узатинг, Қўқонжонга.

Гарчи сўзим ёлғон эмас, сўзим бўлай,
Заҳмат чеккан жонингизга тўзим бўлай.
Истасангиз куёвингиз ўзим бўлай,
Қўқонжонга қиз узатинг, Қўқонжонга.

СИЗНИ КУТАМАН

Бахтлиман, келсангиз, күнгил тутаман,
Ё, армон ҳақида қўшиқ битаман.
Асло кутилмаган мўъжиза каби,
Мен сизни кутаман, сизни кутаман!

Юрагим мушт бўлар хижрон қасдида,
Фақат тушларимда чорлайди чаман.
Чорасиз йўлларим чорраҳасида,
Мен сизни кутаман, сизни кутаман!

Жайрон кўзингиз деб келяпман яшаб,
Жайрони хушламай кетган бутаман.
Ох уриб турналар йўлига қараб,
Мен сизни кутаман, сизни кутаман!

Сизни, сиздан кўра сизладим такрор,
Ишқ Мажнун этмоғин олмоқдаман тан.
Орзу бор, армон бор, жон бор, умид бор,
Мен сизни кутаман, сизни кутаман!

Ўтмишга айланиб қолгунча умрим,
Ҳар лаҳза исмингиз ёдлаб ўтаман.
Раҳмингиз келмайди буни билардим,
Мен сизни кутаман, сизни кутаман!

* * *

Титаникка ўхшар юрагим ўйик,
Дилни дарз кетказди хижронли музлик.
Сўнгти умидимга етмайди қайик,
Мени ютиб борар аста сенсизлик!

КАТТАҚҮРФОН ҚИЗЛАРИ

Осмондаги ойни олиб бераман деб,
Юлдузлардан зар-маржонлар тераман деб,
Чиройингга Тожмаҳаллар қураман деб,
Катта кетманг Каттақүрфон қизларига!
Ёмон бўлиб қолманг жайрон кўзларига!

Битта юрак, муҳаббати дунёда бир,
Фироғи ўт, нозлари ҳам самодадир,
Кўргонида маликадан зиёдадир,
Катта кетманг Каттақүрфон қизларига!
Ёмон бўлиб қолманг жайрон кўзларига!

Сохта ошиқ бўлса тамом ҳолигавой,
Кўнгли эмас, кўчасидан ололмас жой.
Совчи қатнар бир қизига уч ой, уч ой,
Катта кетманг Каттақүрфон қизларига!
Ёмон бўлиб қолманг жайрон кўзларига!

Шоирман деб Мирзо шошиб сўзламагин,
Кўз етмаса қаро кўзни кўзламагин,
Мажнун бўлиб изларини изламагин,
Катта кетма Каттақүрфон қизларига!
Ёмон бўлиб қолма жайрон кўзларига!

* * *

Қани энди кўнглингни билсан,
Тикондайин ботади гул ҳам!
Ҳамма нарса бўлмоқда акси,
Йиғлаганга ўхшайман кулсан!

БИЛАСАН

Қолган ишга қор ёғиб,
Ётганини күрасан.
Саратонда құллари,
Қотганини күрасан!

Тишларингни қадрини,
Тишиң тушса биласан!
Иши тушган одамни,
Ишиң тушса биласан!

Иш тушса ипакдайин,
Үргилар майин-майин.
Иш битгач зум ўтмайин,
Қочганини күрасан!

Синалмаган соқийни,
Шаробин ичиб юрма!
Ағёр сўзига учиб,
Чин дўстдан кечиб юрма!

Мирзо айтсанг айтмасанг,
Дунёнинг вафоси йўқ!
Наҳот, ҳамон билмасанг,
Номардни давоси йўқ!

* * *

Ҳаётга боқдим ҳайрон,
Ким яхши-ю, ким ёмон!
Осмоқчи бўлса душман,
Дўстинг узатар арқон!

ВОЙ АЙЛНАЙ...

Муҳаббатим осмонининг ойисан,
Шод бўламан, келмайсиз деб койисанг.
Сени жондан севишимнинг боиси,
Вой айланай, ўша шаҳло кўзингдан!
Бир умрга айрилмайин ўзингдан!

Бўйларингга боқсам жоним ҳузурда,
Сени кўрмай қолган куним озурда,
Севиб озор берган бўлсам узрда,
Вой айланай, бўйсунмаган нозингдан!
Бир умрга айрилмайин ўзингдан!

Етти иқлимда йўқ қаддинг қиёси,
Хуршидни ром этган ҳуснинг зиёси,
Сўз тополмас Мирзоларнинг Мирзоси,
Вой айланай, маҳтал қилган розингдан!
Бир умрга айрилмайин ўзингдан!

КЕЛМАЙСИЗ

Баҳорда, гулбадан, келмайсиз,
Ёз келди, кутаман, келмайсиз,
Қор келди тиззадан, келмайсиз,
Мен сизни соғиниб кетяпман!

Маликам ҳусндан гултожи,
Муҳаббат – ошиқ дил хирожи,
Бормикин топмоқнинг иложи,
Мен сизни соғиниб кетяпман!

Ёш эмас қон томиб кўзимдан,
Сиз десам бол томиб сўзимдан,
Айириб ўзимни ўзимдан,
Мен сизни соғиниб кетяпман!

Умид – Сиз умидсиз Мирзога,
Келарсиз ҳеч йўқса видога,
Яшашга келгандим дунёга,
Мен сизни соғиниб кетяпман!

ХУРШИДБЕК РАСУЛОВГА

Дилдан чиқса чинқирмас овоз,
Майсани ҳам синдирилас овоз,
Хонишларим дардларимга мос,
Машхурларга балки ўхшамас!
Ўз йўлимдан адашмасам бас!

Бу санъатнинг нони ҳам қаттиқ,
Санъаткорнинг жони ҳам қаттиқ,
Баҳо берманг меҳрдан ортиқ,
Машхурларга балки ўхшамас!
Ўз йўлимдан адашмасам бас!

Кимда ҳасад, ким айлар қадр,
Барчасига топганмиз сабр,
Худо раво кўргани шудир,
Машхурларга балки ўхшамас!
Ўз йўлимдан адашмасам бас!

Фақир бўлиб паналадик сал,
Гоҳ даврада тегмай қолди гал,
Ўйчимасман, ишим таваккал,
Машҳурларга балки ўхшамас!
Ўз йўлимдан адамашсам бас!

Чумолига йўқ менда озор,
Кўллаб турса Ҳақ-Парвардигор,
Сиздек азиз мухлисларим бор,
Машҳурларга балки ўхшамас!
Ўз йўлимдан адашмасам бас!

ЎН САККИЗ ЁШИМ

(*Куролдош дўстим Содиқжоннинг йигирма ёшга кирмай соchlари қордай оқариб кетган. У Афғон тупрогида Камаз машинасини бошқариб кетаётib портлади. Ўн икки нафар аскардан беш нафари омон қолди. Улардан бири Содиқ эди.)*)

Ҳеч ким юпатолмас силаб бу бошим,
Тақдир насиб этган тегирмон тошим.
Сенда не айбдир, менда не гуноҳ,
Афғонда қолган, эй ўн саккиз ёшим!

Ҳар гулни чамандан айирмоқ ёмон,
Инсонни Ватандан айирмоқ ёмон,
Ёш жонни соғ тандан айирмоқ ёмон,
Афғонда қолган, эй ўн саккиз ёшим!
Гоҳ уйқу билмайди бедор кўзларим,
Ёдимга тушганда олов изларим,

Кўзлари ёпилмай қолган дўстларим,
Афғонда қолган, эй ўн саккиз ёшим!

Муҳаббат ғунчаси хазон бўлган пайт,
Мард бошлар сапчадан арzon бўлган пайт,
Софиндим бир лаҳза юрагимга қайт,
Афғонда қолган, эй ўн саккиз ёшим!

Дастрўмол тутқазиб кузатган қизлар,
Рўмолда кўнглини узатган қизлар,
Армонтош бўлди-ку “Қизил юлдуз”лар,
Афғонда қолган, эй ўн саккиз ёшим!

Кимда жароҳату, кимда жасорат,
Ушбу кун юракда минг бир асорат,
Ҳирот қуёшидек танда ҳарорат,
Афғонда қолган, эй ўн саккиз ёшим!

Бу соchlар бекорга қор эмас, Содик,
Юраклар шунчаки тор эмас, Содик,
Энди бизга ҳеч ким зор эмас, Содик,
Афғонда қолган, эй ўн саккиз ёшим!

* * *

Дунёда кўп ишнинг бордир такрори,
Қайтмасига юрак ғашлаб бўлмайди!
Яна булут бўлар тоғларнинг қори,
Ҳаётни бошидан бошлаб бўлмайди!

КАТТА ЭНА

(1985 йил Тошкенттега ўқишига отланганимда раҳматли Робия катта энам бир коса қаймоқ бериб: – Ўқиб катта одам бўлиб кетсанг, катта энангни унумтмагин, – деган эди)

Катта бўлдим катта-катта ғамлар янча,
Аллақандай аламларим аллақанча.
Худо раҳмат қилсин сизни, сиз айтганча,
“Катта одам” бўлолмадим, катта эна!

Она энам, етмадим-а, қадрингизга,
Кўксим қалқон қилдим қай бир жабрингизга?
Бахтим тираб ётибсиз-а, қабрингизда,
“Катта одам” бўлолмадим, катта эна!

Жоним нисор этганларим назар қилмас,
Четда қолиш чекимда бор, омад кулмас,
Катта-катта гуноҳ қилдим бирор билмас,
“Катта одам” бўлолмадим, катта эна!

Сабрим сиғмас, қаймоғингиз косасига,
Достон битдим не гўзаллар бўсасига,
Шеър топмадим армонимнинг ўшасига,
“Катта одам” бўлолмадим, катта эна!

Тонгда қаймоқ еб келган бу тоягинам,
Кўнгил йўргакдаги гўдак доягинам,
Дуолари икки дунё қоягинам,
“Катта одам” бўлолмадим, катта эна!

Шоир бўлдим орзуларни армон этиб,
Машхурман деб, қўланкамни майдон этиб,
Катта-катта энамларга катта кетиб,
“Катта одам” бўлолмадим катта эна!

ҚАРОР

Аҳдингизни буздингиз ёмон,
Оғир экан юракка дарди!
– Айрилмаймиз, деган ҳеч қачон,
Қарорингиз қачон ўзгарди?

Келгандами, зарли совчилар?
Тўкилганда муҳаббат қадри.
Дунёда мен дунё бехабар,
Қарорингиз қачон ўзгарди?

Шайдо дилим айлади вайрон,
Хижронингиз биринчи зарби.
Бунчалар тез, бунчалар осон?
Қарорингиз қачон ўзгарди?

Ваъдага йўқ вафолар баҳти,
Лойиқмасми ошиқнинг марди?
Айтинг ўлган севгимиз ҳаққи,
Қарорингиз қачон ўзгарди?

Бугун тўйда ҳамма ўйнайди,
Севгим кўмар чинорлар барги!
Мени тўймас савол қийнайди,
Қарорингиз қачон ўзгарди!

СЕВИБ ҚОЛМАСАМ...

Мұхаббатдан күп дилда тугун,
Ишк бөғимга хазонлар түлди...
Нима бўлсам бўлай шу бугун,
Сизни севиб қолмасам бўлди!

Дор узраман, гўё лангарсиз,
Жар қошида турибман, жар – Сиз!
Бунча дилдор, бунча дилбарсиз?
Сизни севиб қолмасам бўлди!

Вафо қилдим, вафо бўлмади,
Наво қилдим, даво бўлмади,
Шу қарорим хато бўлмади,
Сизни севиб қолмасам бўлди!

Маликани суйгандек гадо,
Мажнун бўлиб, бўлмасдан адо,
Дилдан узр сўрайди Мирзо,
Сизни севиб қолмасам бўлди!

ҚАЙСИ ОТА

Аҳли дунё билар эркак бардошини,
Суврати-ю, сийратини ор безатса!
Бир қун бор-ки яшиrolmas кўз ёшини,
Қайси ота йифламайди қиз узатса!

Осмонидан учиргандек зухросини,
Чаманидан кўчиргандек раъносини,
Бошдан ўтган билар бу сўз маъносини,

Қайси ота йиғламайды қиз узатса!
Палахмontoш чиқиб қолди, хонаси деб,
Ширмон қизим – орзуларим шонаси деб,
Күз ёш қилма, уят бўлар, онаси, деб,
Қайси ота йиғламайды қиз узатса!

Бемор бўлсанг беминнатинг – қизинг керак,
Бемеҳрга фақат нону тузинг керак,
Овутмоққа, Мирзо қандай сўзинг керак,
Қайси ота йиғламайди, қиз узатса!

ЎЗИМ БИЛАМАН

Оллоҳнинг ўзиdir энг олий ҳакам,
Сенга дардим айтса тилим тиламан.
Жонимга тегдинг-ку ҳой, фасод одам,
Ўзимдан ўтганин ўзим биламан.

Сенга айтиб нима, нима қиламан,
Ўзимдан ўтганин ўзим биламан.

Тоғ келса кемирсам фийбат қиласан,
Сув келса симирысам фийбат қиласан,
Оғир-енгилимни қайдан биласан,
Ўзимдан ўтганини ўзим биламан.

Тилинг сариштами, дилинг саришта,
Бир лекин топасан, лекин ҳар ишда,
Фаришта эмассан, сен ҳам, фаришта,
Ўзимдан ўтганин ўзим биламан.

Бирорлар гүрига ғиштлар йиққунча,
Игнадек түғри бўл “игна” суққунча,
Ақлим кириб қолар, жоним чиққунча,
Ўзимдан ўтганин ўзим биламан.

Эй Мирзо, гар кимда ғурбат бўлса, қоч,
Кўнгил очма, аввал кўзларингни оч,
Менга дардкаш бўлиб оқартирма соч,
Ўзимдан ўтганин ўзим биламан.

Сенга айтиб нима, нима қиласман,
Ўзимдан ўтганин ўзим биламан.

ОДАМ САВДОСИ

Куйиб икки дунёси,
Жаҳаннам бир қадамми?
Даҳшат одам савдоси,
Одам сотган одамми?

Ким ном, ким оғу сотар,
Пул олдида дил қотар,
Алҳазар, ё, алҳазар,
Одам сотган одамми?

Шайтон боғи гулласа,
Етимлар зор йифласа,
Дўст-дўстини пулласа,
Одам сотган одамми?

Ёшмиз дунё ишига,
Ем бўлманг ёв тишига,
Эпми шу эр кишига,
Одам сотган одамми?

Бор одил огоҳимиз,
Бўлмас дилда оҳамиз,
Ҳур Ватан – паноҳимиз,
Одам сотган одамми?

ОТАМ КЕТМОНИ

Ота уйим йўқлаб қишлоққа борсам,
Тошдай эзганида Тошкент армони.
Софиниб-соғиниб қўлимга олсам,
Оғир бўлган экан отам кетмони!

Едирган, кийдирган етти болани,
Кенжаси тил чиқмай етим болани,
Саҳардан шомгача кезган далани,
Оғир бўлган экан отам кетмони!

Кетмоннинг юзига юзимни қўйдим,
Отамнинг ўрнига ўзимни қўйдим,
Хотира шудгорин кетмонлаб ўйдим...
Оғир бўлган экан отам кетмони!

Қучоқдан тушмаган гўдак эркангиз,
Нон ёпар одам йўқ, кавшаб бўлкангиз,
Яра эди қўлим теккан елкангиз...
Оғир бўлган экан отам кетмони!

Шеър ёзсам бармоққа қалам ботар сал,
Кимни боласисан эй Мирзо танбал?
Айиқдек ўкириб йиғладим дангал,
Оғир бўлган экан отам кетмони!

Уйимни соғиниб Кўқонга борсам,
Кўлимда буюк бир бир умр достони.
Мен уни қанчалар ерларга урсам,
Ярқираб боради отам виждони!

НИСБИЙ

Бу дунёда ҳар нарса нисбий,
Гулдан райҳон яхши чаккага!
Самода чарх урганда қирғий,
Эътибор кам қолар ҳаккага!

Бир-биридан қўймайман устун,
Ё, турнадан лайлак бурнини.
Ўша менинг энг яқин дўстим,
Ким тополган бўлса ўрнини!

ШУКРОНА

Қайгулар кўз очирмаган дам,
Юрагимдан аримаса ғам.
Дунё ўзи дейман-да бир кам,
Сабр билан яшайвераман.

Гоҳи бирим бўлмаса икки,
Дўстингман деб турланса тулки,

Юзларимдан ариса кулги,
Кадр билан яшайвераман.

Минг жонимни этсаму фидо,
Дилим ўйиб кетса дилрабо,
Гүзллари бўлса бевафо,
Чўтири билан яшайвераман.

Ҳаёт ила мен кўзу қошдай,
Гоҳ кўзларим очилиб мoshдай,
Бўлса агар қалби қуёшдай,
Сўқир билан яшайвераман.

Карвон юриб тургани учун,
Итлар ҳуриб тургани учун,
Худо кўриб тургани учун,
Шукр билан яшайвераман.

НИЯТ

Бошим бироз айланди чоги,
Ишим майда, ишдан бўшайман.
Кўзим тиниб йиқилсан гоҳи,
Кўрқма, қизим, узоқ яшайман!

Дардим – санчиқ, дармоним – санчиқ,
Софинч ҳам дард, ўртада Қамчиқ,
Жон бермайди даданг қизғончиқ,
Кўрқма, қизим, узоқ яшайман!

Сен дунёга келмаган вақти,
Сўлган қанча ҳаёт дарахти.

Бевақт кетган жигарлар ҳаққи,
Құрқма, қизим, узоқ яшайман!

Бүтакүзим, дилим билмассан,
Хасталансам тиним билмассан,
Юзга кирмай гүрга кирмасман,
Құрқма, қизим, узоқ яшайман!

БУ КУНЛАР

(Лола Ахмедовага)

Күнглимга зар билан битилган кунлар,
Дил мәхрин гул билан тутилган кунлар.
Софинч ёш айланар севинч ёшига,
Бу кунлар интизор кутилган кунлар!

Ойни ёстиқ қилиб, юлдузлар түшаб,
Юраклар армондан қолар деб бўшаб,
Бир ёниб куйламоқ ишқида яшаб
Бу кунлар интизор кутилган кунлар!

Шу улуг даргоҳда дил очмоқ гали,
Қувончим айтгали, дардим айтгали,
Сизлардан илҳомлар олиб қайтгали,
Бу кунлар интизор кутилган кунлар!

– Бошинг омон бўлсин, болажонгинам,
Яшнагин, сўлмагин, Лолажонгинам,
Дуодан толмасдан онажонгинам,
Бу кунлар интизор кутилган кунлар!

Эй Мирзо, дунёда дийдор ғанимат,

Кўнгил қирларига баҳор ғанимат,
Бир таъзим этмоққа беринг ижозат,
Бу кунлар интизор кутилган кунлар!

БЕКОБОД

Беминнат меҳр йўқ мусофири юртда,
Бошиングни силамас бекор етти ёт.
Дунёда аrimас армоним битта,
Ўғлинг бўлолмадим, она Бекобод!

Қизғониб жўнатдинг жаҳон кўргин деб
Ва келиб бағримни айла деб обод.
Зўр шоир бўлдиму шотутларинг еб,
Ўғлинг бўлолмадим, она Бекобод!

Боғингда йўқмиди вафоли бир гул?
Тиконлар захридан чекмасдим фарёд.
Мен – ўзга боғдан баҳт излаган булбул,
Ўғлинг бўлолмадим, она Бекобод!

Юксалиб боряпман, юрак хавотир,
Асовча чопаркан шухрат деган от.
Сени соғинтирган болангни кечир,
Ўғлинг бўлолмадим, она Бекобод!

Зеро, умидларим – кўксимда фахр,
Ҳали орзуларим бари барҳаёт.
Шунча қаро кўзлар ёнида, ахир,
Ўғлинг бўлолмадим, она Бекобод!

Яшолмайман сокин, ўртар ўтли байт,

Ҳар сатри изтироб, ҳар сатри дил дод.
– Болам, сендан рози бўлганман, – деб айт,
Ўғлинг бўлолмадим, она Бекобод!

Беминнат меҳр йўқ, мусофири юртда,
Бошигни силамас бекор етти ёт.
Дунёда аrimас армоним битта:
Ўғлинг бўлолмадим, она Бекобод!

ДАҲШАТ

(ҳазил шеър)

Йўлбарслар жайронни юрап ҳуркитиб,
Мушуклар сичқонни қувлади зув-зув.
Дилозор дилларни эзса қўрқитиб,
Демак, ёмон экан дунёда қўрқув!

Болани ухлатиш гоҳи муаммо,
Гоҳ ухлар ёлғондан бўжи келса ҳам.
Катта бўлгач балки қўрқмайди асло,
Қийшайиб бўжининг ўзи келса ҳам.

Бир-бирин қўрқитар уйда эр-хотин,
Дунёни қўрқитган атом-ла Алберт.
Қўрқувдан ғам чеккан балки Афлотун,
Зуғум қилган балки қайси бир сурбет...

Ҳаётга қарайди қўрқоқдек қақшаб,
Хотиннинг додини эр эшитмаса.
Менинг чун дунёда энг катта даҳшат,
Шоирнинг хотини шеър эшитмаса!

ЎХШАТИШГА ЭЪТИРОЗ

Мушукни йўлбарсга қиёслаш мумкин,
Хаёлга берилиб кетганда одам.
Ой бўлгиси келар ҳеч қўйса бир тун,
Балки, самодаги юлдузларнинг ҳам.

Ана бургут деймиз гоҳи калхатни,
Адашиб кетади қўзимиз гоҳи.
Ўхшатиб кўрамиз икки суратни,
Ўхшишиб кетамиз ўзимиз гоҳи.

Ислар ўхшайди, Мирзога Мирзо,
Сабаби осмондан тушган эмасман.
Сочлари жингалак шоирман аммо,
Пушкин эмасман-да, Пушкин эмасман!

НИГОХ

Бўйлари ғозлар билан,
Ҳар нафас нозлар билан.
Кўчамдан ўтган эдинг,
Бир гала қизлар билан.

Сен менга бир қарадинг,
Қараганингга раҳмат!
Икки бор қарамадинг,
Аяганингга раҳмат!

Тўқнашди Еру Осмон,
Дуч келди ёю-нишон.

Қолдим икки ўт аро,
Бири – жон, бири – жонон.

Яшин урди, яширдим,
Юрагимнинг куйганин.
Билолмадим, бехушман,
Суймаганим суйганим.

Ярим кўнгил, ярим жон
Тўлдирганинг яхшироқ!
Йўқса икки бор қараб,
Ўлдирганинг яхшироқ!

Сен менга бир қарадинг,
Қараганингга раҳмат!
Икки бор қарамадинг,
Аяганингга раҳмат!

КЕТ, ДЕМА

Кимга шу ҳам малол, шодланса дилим,
Мен бор гўё унга омад тўхтаган.
Ҳеч йўқ сен хаёлдан қувма, севгилим,
Кетсам, келармикан менга ўхшаган?!

Кўнгилчакни эзар кўнгли ичак ким?
Ўргимчақдек дилга тўрлар ташлаган...
Мен-ку кўнгил учун ўлишим мумкин,
Кетсам, келармикан менга ўхшаган?!

Баҳорлар келади неча бор қайтиб,

Ҳавасинг келади кулса чўғ чаман.
Она ҳақда бўзлаб қўшиқлар айтиб,
Кетсам, келармикан менга ўхшаган?!

Ким мендек силолгай соchlаринг майин,
Йиғлаб-ла кулдиргай сени шўху-шан.
Мендек девонани топишинг қийин,
Кетсам, келармикан менга ўхшаган?!

Муҳаббат орзуси армонга дўнган,
Омад деса мудом ҳасрат йўқлаган.
Ўттизга кирмасдан сочга оқ қўнган,
Кетсам, келармикан менга ўхшаган?!

Шундоқ ҳам юракда ташвишим бисёр,
Кимлар тан олару, кимлар бермас тан.
Не десанг де аммо, кет, дема зинҳор,
Кетсам, кетсам...
Кетсам, келармикан менга ўхшаган?!

ДУНЁ ХОЛА

*(Болалигимда онамдай меҳр кўрсатган
боғчадаги тарбиячи холамни эслаб)*

Оқ ювиб, оқ тарадингиз онам каби,
Бир боламсан, – дебон олти болам каби,
Кечиб кетдим ойдан тушган одам каби,
Лек ёрти дил тўлолмади, Дунё хола!
Дунё сиздек бўлолмади, Дунё хола!

Уч болага учар гилам – этагингиз,

Хаёт эмас, ширин экан эртагингиз,
Хар лахзада бўлди сизнинг керагингиз,
Бошим бирор силолмади, Дунё хола!
Дунё сиздек бўлолмади, Дунё хола!

Дўстлар топдим ҳар қадамда душмансифат,
Қувончим ҳам ишончим ҳам пушмонсифат,
Юзим қулар, дилим йиғлар хушонсифат,
Ёр-дўст вафо қилолмади, Дунё хола!
Дунё сиздек бўлолмади, Дунё хола!

Тузуккина оқлолмадим тузингизни,
Тушларимда кўрдим фақат ўзингизни,
Кўринмадим бир қулдириб қўзингизни,
Дардим ҳеч ким билолмади, Дунё хола!
Дунё сиздек бўлолмади, Дунё хола!

Дуоингиз етказишса қишлоғимдан,
Ногоҳ оғзим чучиб кетар пишлоғимдан,
Тошкентларга салом келса тошлоғимдан,
Кўзга уйқу келолмади, Дунё хола!
Дунё сиздек бўлолмади, Дунё хола!

Бир зумгина болаликка қайтгим келар,
Тўлиб-тўлиб дардларимни айтгим келар,
Дилдошларим, сирдошларим, алам қиласар,
Дил тўрида қололмади, Дунё хола!
Дунё сиздек бўлолмади, Дунё хола!

Дунё тургунича туриңг, Дунё хола,
Омонатда омон юриңг, Дунё хола,
Болангизни ёнидаги битта бола,

Кунингизга яролмади, Дунё хола!
Мирзо сиздек бўлолмади, Дунё хола!
Дунё сиздек бўлолмади, Дунё хола!

МАДИНА
(Мадина Муҳаммад Юсуф қизига)

Мадина, Мадина, нега ёзмайсан?
Дилингда айланар Муҳаммад қони.
Назм осмонида ойдек сузмайсан,
Нега лол этмайсан шоир Мирзони?
Ота меҳрин олган юрагинг лим-лим!
Ҳали зўр шоира бўласан, синглим!

Болғача минг урсин, бир урсин кувол,
Ғалати илтимос келмасин малол,
Латифсўз зурёди, эй лабзи ҳалол,
Устозим тафтини сезмоқда кўнглим!
Ҳали зўр шоира бўласан, синглим!

Ҳоксордан не қолди, бир уюм тупроқ,
Тупроқнинг қалби-ку яшнаган япроқ,
Қадрдон кулбанинг чироғини ёқ,
Шеърларинг ҳар дилга нур ёғсин сим-сим!
Ҳали зўр шоира бўласан, синглим!

Қачон армонлардан алам оласан,
Гул қўлингга олтин қалам оласан,
Боғбоннинг бағрида ўсган лоласан,
Кўзлари жайроним, кўзлари мунглим!
Ҳали зўр шоира бўласан, синглим!

Мирзо ҳам шоирми, шу ҳам шеърмикан?
Менга ҳам отангга раҳмат дермикан?
Гар тузсиз таомни бирор ермикан?
Ашъор бит, ҳар сатри тиллога тенглим!
Ҳали зўр шоира бўласан, синглим!

Нолалар ярашмас жону жисмингга,
Дейман кўз тегмасин баҳту, хуснингга,
Неча қўшиқлар бор сенинг исмингга,
Агар сен ёзмасанг, ким ёзсин ким-ким?
Ҳали зўр шоира бўласан, синглим!

АЁЛ

Бу олам меҳрига энг лойиқ кимса,
Ким? – дея гоҳида савол бўлади.
Жаннат оналарнинг пойида бўлса,
Дунёнинг азизи аёл бўлади!

Кундузнинг чароги офтоб бўлади,
Оқшомнинг эркаси моҳтоб бўлади,
Кўнгилнинг чароги, дилнинг эркаси,
Дунёнинг азизи аёл бўлади!

Қанча эъзоз этсак, дўстлар, шунча кам,
Бўлмасин дилда ғам, кўзларида нам,
Она туққан, ахир, пайғамбарни ҳам,
Дунёнинг азизи аёл бўлади!

Ожиза эмас-у мўъжиза малак,
Болам деб бир эмас, қирқ жони ҳалак,
Мирзо баҳт тила-ю англагин, бешак,

Дунёнинг азизи аёл бўлади!

* * *

Бегуноҳ яшаш-ку ҳар касга орзу,
Билъакс кимга хуш шум дакки емоқ,
Дунёда энг манфур атвор балки шу,
Бироннинг ёрини гўзалсиз демоқ!

РАЙҲОН

Франциялик меҳмон Френкга

Фарангистон – таби нозик таранглар,
Кенг дунёга атри машҳур фаранглар,
Дўстларим, бир лаҳза ўйлаб қаранглар,
Қуш кўрганин билар дерлар уяда,
Райҳон ўсармикан, Францияда?!

Атингдан айланай, қадрингга жоним,
Пойингга тўқилган шу киндик қоним,
Райхонингдан сенинг, Ўзбекистоним!
Булоқлар куйлайди у бор қияда,
Райҳон ўсармикан, Францияда!?

Кўшни қиз нон ёпар, чаккада райҳон,
Гўё тандир узра бўйлайди ойхон,
Девор оша бир қўл узатади нон.
Кўзим оқ билакка теккан куяда,
Райҳон ўсармикан, Францияда?!

Кимгадир дил ришта атри Француз,
Бизда-чи етарли битта шохча уз,
Юртим жаннат бўлар келганида куз,

Фаргона, Тошканда, олис Кияда,
Райхон ўсармикан, Францияда?!

Шоири бисёрдир, бастакори ҳам,
Такаббури кўпдир, ҳаста, хори ҳам,
Улуғлари бордур, ифтихори ҳам,
Кимида тайёра, кими туядা,
Райхон ўсармикан, Францияда?!

Кимгадир тижорат, кимга зиёрат,
Оlam гўзаллиги недан иборат?
Парижга отланмай туриб бир муддат,
Бекобод қишлоғим кездим пиёда,
Райхон ўсармикан, Францияда?!

ҚУВА ГЎЗАЛИ

Ошиқ бўлдим анорзорида,
Мажнунлигим дунёга маълум...
Кўзим очиқ, жоним борида
Қувангиздан қувманг, гўзалим.

Қоши камон, киприклари ўқ,
Нози осмон, қулишлари шўх,
Энди сизсиз борар жойим йўқ,
Қувангиздан қувманг, гўзалим.

Паноҳ борму девонага ҳам,
Гуноҳ борму девонага ҳам,
Кетолмайман Фаргонага ҳам,
Қувангиздан қувманг, гўзалим.

Хозир кетсам бирор бўламан,
Бағри қон, соч қирор бўламан,
Кувага зўр куёв бўламан,
Кувангиздан қувманг, гўзалим.

Жилвангиздан қолдим жилмайин,
Сиз кетдингиз парво қилмайин,
Мұҳаббатим билиб-билмайин,
Кувангиздан қувманг, гўзалим.

Дор устида турибман ҳозир,
Бир сўзингиз ҳар нега қодир,
Бир фалокат бўлмасдан содир,
Кувангиздан қувманг, гўзалим.

ШЕЪРЛАРИМ

Кимни Ҳаққа бурди шеърларим,
Кимга етмас қурби шеърларим.
Қай ижара уйда туғилиб,
Дилга қаср курди шеърларим.

Кимга малол, кимга мароқли,
Кимга бекор, кимга яроқли.
Кўзим хира умид чироқли,
Кўзга қайтмас нурми шеърларим.

Менга соғлик-омонлик тилаб,
Қарсакларни гулларга улаб,
Ётсам уйда жигарим силаб,
Дунё кезиб юрди шеърларим.

Осма томчи олиб қўлимдан,
Видо тушмай қолса тилимдан,
Чалғитмоққа бир зум ўлимдан,
Даст оёққа турди шеърларим.

Ўпкам тўлар, сиғмай дил оҳи,
Жигаримнинг Худо паноҳи.
Танам, қоним, жонимдир гоҳи,
Юрак бўлиб урди шеърларим.

Кимни Ҳаққа бурди шеърларим,
Кимга етмас қурби шеърларим.
Қай ижара уйда туғилиб,
Дилга қаср қурди шеърларим.

ОТАБЕКСАН

Орзуси армон бўлган,
Ранглари сомон бўлган.
Юрак-бағри қон бўлган,
Вайрона Отабексан!

Ёв чиқиб турмушидан,
Айрилиб Кумушидан,
Тақдирнинг шум ишидан,
Ҳайрона Отабексан!

Ошиққа баҳт бормикан,
Ё топгани зормикан,
Кўргани озормикан,
Сарсона Отабексан!

Кунларинг бўлди тундай,
Дунё бевафо шундай,
Лайлиси йўқ Мажнундай,
Девона Отабексан!

Ўткан кунлар ўтган кун,
Кўксингга ўт кетган кун,
Йигладинг беёш, беун,
Фамхона Отабексан!

Кимдир суюб бек деди,
Кимдир куюб бек деди,
Иложинг қанча эди,
Афсона Отабексан!

МУҚАДДАС ВАТАН

“Ватандан яхши ёр ўлмас”
(Қозоқ шоури Жумакент Нажмиiddинов)

Тоғдай эзив борар дилимни соғинч,
Кўзгуда мен эмас зорликни акси.
Ўлан тўшагимда юрган эдим тинч,
Ватаним, қайда бор ўзингдан яхши!

Йиғласам сой бўлиб тошмоқда ашъор,
Сўзласам тинглаган дер соҳир баҳши.
Дил энди барқарор, мен энди иқрор,
Ватаним, қайда бор ўзингдан яхши!

Ҳар бир мусоғирнинг қўлида қалам,
Дийдорга аталган навою рақси.
Сендан азиз йўқдир, сендан мукаррам,

Ватаним, қайда бор ўзингдан яхши!

Куванинг анори, Сурхон тандири,
Бахмалнинг олмаси, боғларинг нақши.
Ойдан ҳам қайтаман дилим ёндириб,
Ватаним, қайда бор ўзингдан яхши!

Кўзимни яшнатар балки қай диёр,
Лек қўнглим енголмас ҳеч кимнинг баҳси.
Ёт элда тупроғинг кўксимда тумор,
Ватаним, қайда бор ўзингдан яхши!

ОЙЧЕҲРА ҚИЗ

Бекободда тонглар отади,
Бекободда кунлар ботади.
Шу қишлоққа келин бўлолмай,
Ойчехра қиз йиглаб ётади.

Юлдузларга сўзлайди арzin,
Тошбағирлар тузлайди дардин,
Қиз кўнглини тушунмас ҳар ким,
Ойчехра қиз йиглаб ётади.

Мұхаббатнинг хўрлиги шуми?
Шум тақдирнинг зўрлиги шуми?
Юпатолмас ҳеч кимса уни,
Ойчехра қиз йиглаб ётади.

Олисларга узалди ойхон,
Тўйларида сочилди райхон,
Аммо Мирзо қалбida ҳамон,

Ойчехра қиз йиғлаб ётади.

* * *

О, нозу-фироклар, о, калондимоғ,
Күнгилга соясин солған экан-да!
Отдан тушганингиз бор гап-ку, бироқ,
Эгар қўлингизда қолган экан-да!

ЎТТИЗ ЙИЛ АВВАЛ

Ёдимдадир у маҳал,
Сен қандай эдинг гўзал.
Гўзал қиз деган эдим,
Бундан ўттиз йил аввал!

Сен бепарво ўтардинг,
Мен йўлингни кутардим.
Кутиб-кутиб кетардим,
Бундан ўттиз йил аввал!

Қўл тегмаган билаклар,
Ғам эзмаган юраклар,
Омон эди тилаклар...
Бундан ўттиз йил аввал!

Иккимиз ҳам ёш эдик,
Ой эдик, қуёш эдик.
Энг яқин сирдош эдик,
Бундан ўттиз йил аввал!

Сендан кўнглим тўқ эди,

Сен билганинг дўқ эди,
Бешта боланг йўқ эди,
Бундан ўттиз йил аввал!

Тақдир кўксим кермаган,
Омадим гул термаган,
Отанг сени бермаган...
Бундан ўттиз йил аввал!

САЙЁРА

Ақлин танибдики ҳазрати инсон,
Ўзга дунёларни келар билгиси!
Товуштуарлар ҳам сергагу, чаққон,
Қайтар қай юлдуздан ҳаёт белгиси!

Мен-ку, далли шоир, ишққа оввора,
Борлигим ҳақида йўллайман нидо!
Битта сайёрада яшаб, Сайёра,
Бирорта шеъримга бермайди садо!

ҚЎШИҚЛАРИМ

Кимга ширин, ким дардига дармонлидир,
Келсам инграб қучоқ очар эшикларим.
Қанча гўзал бўлса шунча армонлидир,
Онажоним эшитмаган қўшиқларим...

Кўнгил тўлиб тошганидан илинади,
Оналилар шошганидан илинади,
Наволарим ноласидан билинади...

Онажоним эшитмаган қўшиқларим...

Оlamdan ҳам менга аввал онам билса,
Сўнgra дўст-ёр, мухлислару, болам билса,
Нетай goҳи қувончим ҳам алам қилса...
Онажоним эшитмаган қўшиқларим...

Қучоққа гул, кўксимга ғам тўлаверди,
Тинглаганни кўзига нам келаверди,
Бир кам дунё, нимадир кам бўлаверди –
Онажоним эшитмаган қўшиқларим...

Арзирмикан, алласининг бир сатрига,
Эзиламан goҳ термилиб суратига,
Сизлар ўлманг, волидамнинг ҳурматига,
Онажоним эшитмаган қўшиқларим!

ШОИРЛИГИМ

Кўшни қизга етмас нолам,
Дил жоласи сойга борди!
Кўзларимга суқай қалам,
Жоним чиқар жойга борди!
Шоирлигим қайга борди?!

Ўзи гулдай, уйи гулзор,
Бир ён бедор, бир ён дилдор,
Ўртамиизда битта девор,
Кимлар қандай ўйга борди!
Шоирлигим қайга борди?!

Таъриф кетди олам аро,
Етти миллиард одам аро,
Кўз олдимда шўх дилрабо,
Шундай сарви бўйга борди!
Шоирлигим қайга борди?!

Қолдим аччиқ алам билан,
Кўлда чўлтоқ қалам билан,
Хайрлашдим санам билан,
Келин бўлиб бойга борди!
Шоирлигим қайга борди?!

Кўлим калта, кўнглим ярим,
Соддасан-да, Мирзо Карим,
На зўрим бор, на-да зарим,
Хом хаёлинг ойга борди!
Шоирлигим қайга борди?!

АРМОН ЎТИ...

Жоним болам, келдингми омон,
Улгайибди анча бўйларинг.
Софинчларинг эзди беомон,
Кийиб олгин янги кўйлагинг.

Сенинг узоқ бўлмай дарагинг,
Сочларимни тўқди хатарлар.
Музлатарди гоҳи юрагим,
Тоғ ортидан келган хабарлар!

Тўрт синглинг ҳам ўз иши билан,
Эсон-омон юрибди, болам.

Сен йўғингда биз қиши билан,
Суволмадик тешик томни ҳам.

Майли, мана, кўришдик дийдор,
Шу қунларга етказди, шукр!
Нор холангнинг кенжаси Дилдор,
Кўп сўрайди қизи тушмагур.

Онаизор ўғлини суюб,
Олмоқчийди илиқ бағрига.
Жудоликни доғида куюб,
Уйғонди у туннинг ярмида.
Юлдуз бўлиб кўринди ўғли,
Қўл узатди она умидвор.
Юрагида армони чўғли,
Ўт олади ҳар кеча минг бор.

ШУМ ТАҚДИР

Суйганимни шум тақдир,
Бегонага узатди.
Сўнг бераҳм янгалар,
Ёр-ёр айтиб кузатди.

Ёниб, ёниб кул бўлди,
Юракларда севгимиз.
Бахтин топган ким бўлди,
Бахтсиз бўлдик иккимиз.

Бу дунёда муҳаббат,
Кимлар учун ўйиндир.

Қўлларимда суратинг,
Бугун сени тўйингдир.

Қайдан келди севгилим,
Иккимизга бу жафо.
Хайр энди, хуш феълим,
Дунё ўзи – бевафо.

МАЛИКАМ

Ёқармикан сизга байтим, маликам,
Ўзим гадо бўлган пайтим, маликам.
Севмайман сизни – деб айтинг, маликам,
Менинг оромимни қайтинг, маликам.

Қачон кўзим тушди чиройингизга,
Қачон йўлим тушди саройингизга.
Мудом кўз тегмасин, Илойим сизга,
Менинг оромимни қайтинг, маликам.

Кимга бош эгибди осмондаги ой,
Бош эгса бор эди, юрагимда жой,
Сиз-ку бехабарсиз мендан хойнаҳой,
Менинг оромимни қайтинг, маликам.

Севги фарқ этмагай шоху гадони,
Мен ҳам бир бандаси Қодир Худони,
Авф этинг бир кўнгил қилган хатони,
Менинг оромимни қайтинг, маликам.

СИНГИЛ

Хар йил баҳор она қалдирғоч,
Уйимизга мәхмөн бўларди.
Бир тўп бўлиб қайтаётган дам,
Онам унга ой йўл тиларди.

Бир йил баҳор ўша қалдирғоч,
Келиб қўзи жовдираб қолди.
Ховлимизда онамни излаб,
Бир лаҳзада довдираб қолди.
Фарёд қилди юраги тўлиб,
Булутларга урди ўзини.
Маъюс боқиб юпатдим гўё,
Мен онамнинг кенжা қизини.

МУҲАММАД ЮСУФГА

Ҳамдард дилингиздан не ўтди, сездим,
Меҳр истаб мен ҳам дунёни кездим.
Меҳнатдан безмадим, миннатдан бездим,
Мендай ғарибни ҳам кўролмаслар бор.

Омади кулмаган муштдек боламан,
Гўлроқман, дон тегмас қушдек боламан.
Одамман, одамга ҳайрон қоламан,
Мендай ғарибни ҳам кўролмаслар бор.

Бировга отмадим сўздан ясад ўқ,
Яхшидан, ёмондан гарчи дилим тўқ,
Арпасин хом ўриб қўйган жойим йўқ,
Мендай ғарибни ҳам кўролмаслар бор.

* * *

Шеър – кашфиёт, рухий инъикос,
Янтоқ гули – атрини тарат!
Шеър кўнгилнинг кўзгуси холос,
Уни аввал ўзингга қарат!

АЛАМ

(Раҳматли тоғам Жийронбой Хўжакул ўғли ўн
нафар фарзанднинг отаси эди)

Беармон йўқ экан, биродар, ўзи,
Чанг солмиш ҳар дилга изтироб, қайғу.
Қондошлар қон йиғлаб тиришган кези,
Вужудим ўртади ўзгача қутқу.

Ўлим-ку ҳақ экан ёргуғ дунёда,
Бир алам, бир алам мени зорлади.
Энг сўнгги нафасда тоғам бечора,
Ўнта ном айтишга улгуролмади.

БИЛАМАН

Биламан, мен сизни биламан,
Кўксимга бошингиз эгмайсиз.
Сизни деб дорга бош иламан,
Баригир сиз мени севмайсиз.

Чўғ экан армоннинг юлдузи,
Ўқ экан ҳижроннинг илдизи,
Ўн саккиз минг олам гул қизи,
Баригир сиз мени севмайсиз.

Бир қулиб минг азоб бердингиз,
На ҳолим, на молим сўрдингиз,
Қайси бир иқлимдан келдингиз?
Барибир сиз мени севмайсиз.

Ўтарман тиш босиб тишимга,
Сўз очмай энг яқин кишимга,
Эҳ, бекор ишондим тушимга,
Барибир сиз мени севмайсиз.

Ўзимдан ўзга йўқ тушунган,
Оққушлар менга дўст тутунган,
Дилингиз зарга зор учун ҳам,
Барибир сиз мени севмайсиз!

ДУНЁ ЎЗИ ШУНАҚА

Тўйсанг бойсан болажон,
Сўз дема ҳар қанақа.
Ўксимагин ҳеч қачон,
Дунё ўзи шунақа.

Етмаси кўп етардан,
Оти арzon эгардан,
Ёв чиқади жигардан,
Дунё ўзи шунақа.

Суянганинг суймайди,
Яхшига кун туғмайди,
Ёмонни жин урмайди,
Дунё ўзи шунақа.

Қаро дерлар оқни ҳам,
Булбул дерлар зөғни ҳам,
Телба қилар соғни ҳам,
Дунё ўзи шунақа.

Гадони гадо тунар,
Хар бандада ҳар хунар,
Аслини Оллоҳ билар,
Дунё ўзи шунақа.

Шоир эмас, шеър ёзар,
Дунё ғариб деб ёзар,
Юрагини ер – ёзар,
Мирзо ўзи шунақа.

АФСУС...

*Бир шоиранинг “Сизни қизғонаман”
шеъридан илҳомланиб*

Яхшимсану афсус яхши кўрмайсан,
Мени қизғонмайсан ёмонлардан ҳам!
Буғдойим, ҳалиям ҳалим бўлмайсан,
Мени қизғонмайсан сомонлардан ҳам!

Ишқ деб Мажнун бўлди арабнинг Қайси,
Курбон кўп, бир раҳм этганинг қайси,
Тўрт томоним қибла, оғир, боиси
Қизғонмайсан бирор томонлардан ҳам!

Кўздан қон қуйилди ёш устига-ю,
Холингча ҳолим йўқ қош устида-ю,

Бошни товон қилмоқ бош устига-ю,
Мени қизғонмайсан товонлардан ҳам!

Кел энди кетақол хаёлий ҳамдам,
Ғам ема ғамланган юрагимда ғам,
Мирзо бўлғанларим бир пул, маликам,
Қизғонмайсан ундан арzonлардан ҳам!

“ЎЗИ ТЕЛЕФОН ҚИЛАДИ”

*Ярим ҳазил ярим чин. (Баъзида баъзи
оғайниларинга зарурият билан қўнгироқ қилсанг,
ўзим телефон қиласман деб, умуман қўнгироқ
қилмайди. Сабаби, жуда оддий – сен унга ҳозирча
керак эмассан!)*

Гар фойда ишламаса,
Зўр йўлини билади.
Ё, сени хушламаса,
“Ўзи телефон қиласди”!

Талқон еб сувга юбор,
Нима бўлса бўлади.
Мудрамай ўтир хушёр,
“Ўзи телефон қиласди”!

Қайта терма, сен агар,
Тушунтириб кулади.
Ҳар галгидек, ҳар сафар,
“Ўзи телефон қиласди”!

Жилма уни ёд қилиб,

Ишлар бир кун жилади.
Хаёлингда шод қилиб,
“Үзи телефон қиласы”!

Ишлари мүл, биласан,
У ҳам сени билади.
Күп бехузур қилмасанг,
“Үзи телефон қиласы”!

Тоқатли бўл, дошли бўл,
Нега сабринг тўлади.
У албатта бўшаб қўл,
“Үзи телефон қиласы”!

Соғлар касал бўлади,
Касал бўлса ўлади.
Оғайнимиз ўлди деб,
Ўзи телефон қиласы!

УЯТ

Буюртма қўшиқлар ёзаман гохи,
Дардини айтади бошдан ўтганлар.
Ўқиб гарчи қочар оғзин таноби,
Майда ҳақ тўлашар катта кетганлар.

Шеърларим бўшашар ўзимдан бадтар,
Сурункали сариқ касалим каби.
Маъниси борлари чиқмас бир дафтар,
Тўплаган тўпорим тўплам бўлмади.

Қачон зиё сочгай қалбимнинг боби,
Шеърлар олов бўлиб ўрлар ўпкамдан.
Рўпарамдан чиқиб қолса китоби,
Уялиб кетаман Аъзам Ўктаидан!

ОТАМ ВА МЕН

*(Онамдан сўнг отам мени тракторда
олиб юриб улгайтирган)*

Ўтомочнинг овози
Қулоғимга ўрнаган.
Ким мендек темир “тахт”да,
Тўйиб-тўйиб ухлаган.

Умр қизиқ ўтаркан,
Кўпаяркан лаҳзалар.
Эскирибди уйим ҳам
Кўчки тушди пахсадан.

Биз юрган кўча толи
Ўтин бўлган кесилиб.
Болалигим эсласам
Юрак кетар эзилиб.

Ўтомочнинг овози
Қулоғимга ўрнаган.
Кўтариб овутгани
Менинг онам бўлмаган!

ХИРОТ

Курол тутдим бўйинсуниб фармонларга,
Юраккинам тўлиб кетди армонларга.
Тилда қолган, дилда қолган бир қадоқ бор,
Узримни айтолмадим бобомларга.

Қон кечганда хаёлимда Бобур бўлди,
Яроқ тутиб юрмоқ менга оғир бўлди,
Кимлар шаҳид, кимлар эса ботир бўлди,
Узримни айтолмадим бобомларга.

Шоҳ Машрабнинг мозорини қучолмадим,
Навоийга чин дардимни очолмадим,
Гуноҳимдан ҳатто ўзим кечолмадим,
Узримни айтолмадим бобомларга.

Тирикликда етмагандек жабрлари,
Кул остида қолиб кетди қабрлари,
Бағрим ўртар назмлари, насрлари,
Узримни айтолмадим, бобомларга.

Кимга керак бўлди шунча қирғин-барот,
Дўст-душманим билмай гангиб юрдим наҳот:
Ёвсирамай тушларимга киргин, Ҳирот,
Узримни айтиб олай бобомларга.

ШИКОЯТ

Хўп алдандим мен ҳаммадан,
Кўп алдандим ҳар бандадан.

Бехабарман дил хандадан,
Энди мени алдаманглар.

Соддалигим билган зотлар,
Сүңг ортимдан кулган зотлар,
Үткинчиидир бу ҳаётлар,
Энди мени алдаманглар.

Тош сўрсангиз ош бераман,
Дўуппи сўранг бош бераман,
Дардни беринг дош бераман,
Энди мени алдаманглар.

Сизга нима офат қилдим,
Барчасига тоқат қилдим,
Ҳақни топиб роҳат қилдим,
Энди мени алдаманглар.

СИНОВ

Гулнора опамга

“Кетма, дейман шаҳарга, иним,
Мусофирга пўлат тиш керак.
Саккиз жонмиз ўтияпти куним,
Тақдирга ҳам кўникиш керак.

Қор эриса манов ерлардан,
Яшнаб чиқар буғдой, кўрасан.
Қўлинг бўшаб қолса шеърлардан,
Поччанг билан бирга ўрасан.

Ха, демасдан сумалак, ҳалим,

Кўк сомсага тўлар дастурхон.
Тушунаман – бағримиз ярим,
Нима қилай, мен ҳам, укажон.

Кенгашиб кўр танангга яна,
Дардинг ҳам куч, қайғунг бир талай.
Нима деркин раҳматли онам,
Кенжা ўғил эдинг, ҳар қалай”.

Қон қилсаям юракни лекин,
Жигаримнинг ўпкалагани.
Бир одамим бор экан, билдим,
Яқин тутиб эркалагани.

МАҚОЛ

От айланиб қозигин,
Топар дея бир куни.
Отбоқар айтганмикан,
Отин йўқотган куни.

Балки ўша маҳаллар,
Булут тилла ёққандир.
Йўқолган отлар бир кун
Қозигини топгандир.

Афсонага ишонмай
Қолдик дўстлар ғафлатда...
Аждодлардан кўп ибрат,
Олмоқ керак албатта.

От йўқотдим далада,
Тулпорим нолиб кетган.
Ноинсоф қозиқни ҳам,
Суғуриб олиб кетган...

ДИЛИМ

Дил дардим билмайди дилимдан бўлак,
Йўлдош топилмайди йўлимдан бўлак.
Мени ким алдамас ўлимдан бўлак,
Дилим оғрияпти, Онажон, дилим!

Дунёки бевафо экан қадимдан,
Панд едим ҳар касга ишонганимдан,
Бирдай озор етди дўсту ғанимдан,
Дилим оғрияпти, Онажон, дилим!

Суратим саришта, сийратим вайрон,
Кўнглим чўкиб кетган уммон юзи қон,
Умид узолмайман, узилмоқчи жон,
Дилим оғрияпти, Онажон, дилим!

Тириклай ўлдириб кетар экан ёр,
Қалбингга тўлдириб нетар экан қор?
Тушларимга киринг, битта гапим бор,
Дилим оғрияпти, Онажон, дилим!

Ёдимга парирўй аксингиз келар,
Аксинча ёмгиридай ашкингиз келар,
Келса фақат сизнинг раҳмингиз келар,
Дилим оғрияпти, Онажон, дилим!

СИРСҮҚМОҚ

Оқ чоки сўқилиб кетган бу сўқмоқ,
Темир пошналарнинг оғир зарбидан.
Истагим сўқмоқниң пойини ўпмоқ,
Бир лаҳза қутилмоқ соғинч дардидан.

Сирсүқмоқ тўлсайди майли тиконга,
Янги из тушмаса узоқ йил бўйи.
Ҳеч юргим келмаган ўша томонга,
Отам тобутини елкамга қўйиб.

“ОҚ ЖЎЖА”

(Онамни хотирлаб)

Салом, азиз қандак ўрик,
Аҳволларинг қандок ўрик?
Мен сен билан сўзлашаман,
Ўзинг дилга яқин шерик.

Етти йилки кездим шаҳар,
Сен уйдасан келсам ҳар гал.
Ёшинг ўтиб эгилибсан,
Таёқ тегиб тўкилибсан.

Қайтиб келдим, менга қара,
Бир озгина ҳолим сўра.
Кечалари ўйга толдим,
Сенга ўхшаб етим қолдим.

Дардлашамиз – дардимиз бир,
Қолдирмаймиз ўртада сир.
“Оқ жўжа”ман – оқ боламан,
Шохингда ухлаб қоламан.

СЕХР

Кўчамиздан бир куни,
“Сеҳргар” санам ўтди.
Нигоҳига зор бўлиб,
Минг дилда алам ўтди.

Балки унга жингалак,
Сочимми ёқсан эди.
Мен шоирга айландим,
Бир кулиб боқсан эди.

СЕВДИМ ДЕМА

Эй йигит, севдим дема,
Бир кўриб Зуҳрони ҳам.
Менга ёр бўлгин дема,
Ногаҳон Лайлони ҳам.

Гоҳида маккор сулув,
Учрагай ишқ йўлида.
Бесинов сўйдим дема,
Кўзлари шаҳлони ҳам.

Бевафолар жабридан,
Неча мард умри хазон.
Бил, хароб айлар улар,

Дил қолиб дунёни ҳам.

Сен бежо қўйма қадам,
Хар чаманнинг саҳнига.
Эл азиз қилгай ҳалол,
Телбаи шайдони ҳам.

Гар кўнгилга ўт ёқиб,
Кетса жонон ишваси.
Юз хаёл юз кўрсатиб,
Ўлдирур Мирзони ҳам.

ЙЎҚЛОВ

Тун бағрида хониш қилди бир капалак,
Эшитган ҳар жонзотнинг жони ҳалак.
Тор сўрида уйғоқ ётиб ўй сурман,
Отам ёки онам руҳи шу капалак.

Хабар олай ўғлимдан деб келдимикан?
Мен ҳам ота бўлганимни билдимикан?
Набирасин кўриб кўнгли тўлдимикан?
Отам ёки онам руҳи шу капалак.

Шу дам ўқинч юрагимни тиғлаб олди,
Бешикдаги ўғилчамиз йиғлаб қолди,
Тун ярмида ўтмишимни ёдга солди,
Отам ёки онам руҳи шу капалак.

Онажоним бўлган экан меҳри дарё,
Қатра меҳрин дариф тутди жоҳил дунё,

Овутгандай ҳар келганда мени гүё,
Отам ёки онам рухи шу капалак.

Отам эккан тол қўчати соя берди,
Соясида ўтирганда қоя эрди,
Бахтингга мен омон бўлай болам дерди,
Отам ёки онам рухи шу капалак.

Сўзласин деб зорланаман иложи йўқ,
Қучиб дийдорлашай десам қулочи йўқ,
Бу оламда мўъжиза кўп, тилмочи йўқ,
Отам ёки онам рухи шу капалак.

ЭЪТИРОЗ

Етти йил кийибди пўстинин Машраб,
Қишда аврасини, ёзда астарин.
Уч аср ўтибди ҳеч қайси мактаб,
Сўнгтига етган йўқ унинг дафтарин.

Балки сиз жон ачиб бердингиз дашном,
Бу ҳам бир кунимга турибди яраб.
Этигим ямоғи ёқмаса, ошнам,
Сўзлайверинг тўғри юзимга қараб.

* * *

Тушиб қолмас сўзларинг чўғми?
Софинч мени ташлади янчиб!
Тушиб қолган кипригинг йўқми?
Байроқ қилиб қўярдим санчиб!

ИЛОННИНГ БОЛАСИ

Ҳар ишки бир куни аён бўлади,
Оллоҳ даргоҳида баён бўлади.
Бу дунё шундайин ажаб дунёдир,
Илоннинг боласи илон бўлади!
Чаённинг боласи чаён бўлади!

Ногоҳ бағри-дилинг тилдинг, биродар,
Ўз ҳолингга ўзинг кулдинг, биродар,
Аччиқ ҳақиқатни билдинг, биродар,
Илоннинг боласи илон бўлади!
Чаённинг боласи чаён бўлади!

Ҳамиша айла ёд етти пуштингни,
Ердан чикдингми ё кўқдан тушдингми,
Юрагингни сиқма, қисма муштингни,
Илоннинг боласи илон бўлади!
Чаённинг боласи чаён бўлади!

Ҳар қучоқ очганни ошнога олма,
Ҳар қоши камонни Лайлого олма,
Ҳар яхши-ёмонни парвога олма,
Илоннинг боласи илон бўлади!
Чаённинг боласи чаён бўлади!

ОРЗУГИНАМ

Не куйларга солиб қўйдинг, орзугинам,
Хаёлимни олиб қўйдинг, охугинам.
Оҳ, у гинам, оҳ бу гинам, оғугинам,

Етолмасам мени кечир, орзугинам.

Билсанг агар самоларда ўлкадошмиз,
Түғилгандан ер кўрмаган елкадошмиз,
Гоҳ қуёшмиз, гоҳ-ку ёшмиз, кўзу қошмиз,
Қучолмасам мени кечир, орзугинам.

Шеърим бошқа, бошқадир-ов Адабиёт,
Мен – ғофилга шеър ёзмоқлик адаби ёт.
Йўлларимда соғиниб ёт, соғ униб ёт,
Ўполмасам мени кечир, орзугинам.

Юрагимни, ма, ёқ энди – маёқ бўлсин,
Кеч урмагин, кечирганинг таёқ бўлсин,
Ҳақ деб Мирзо ҳалак бўлсин, ҳалок бўлсин,
Яшолмасам мени кечир, орзугинам.

ПОШШОРИМ ЛАЙЛАКЛАРИ

Ўз қадрининг сергаклари,
Сизни кимлар эрмаклади?
Араз уриб кетганмисиз,
Пошшопирим лайлаклари?

Сизларга тош отмадик биз,
Не хаёлга ботмадик биз.
Нечун ҳамон қайтмадингиз,
Пошшопирим лайлаклари?

Қайда кечар хаётингиз?
Толмасмикан қанотингиз?
Нима эди муродингиз,

Пошшопирим лайлаклари?

Паризод қиз самода сиз,
Беозор қуш дунёда сиз,
Садо беринг Мирзога сиз,
Пошшопирим лайлаклари.

БИР КУН

Бу дунёда барчамиз меҳмон,
Омонатин олар Худойим.
Биродарлар, келтиринг иймон,
Бир кун бўлар қиёмат қойим.

Эрлар қайтса айтган сўзидан,
Ҳаё кетса аёл юзидан,
Қонлар оқса етим кўзидан,
Бир кун бўлар қиёмат қойим.

Эл ризқига бўлса хиёнат,
Кўтарилса дилдан диёнат,
Ҳар оғизга тўлса хушомад,
Бир кун бўлар қиёмат қойим.

Мирзо, ўйлаб қадамингни бос,
Умр ўтказ Муҳаммадга хос.
Ёруғ дунё беш кунлик эъзоз,
Бир кун бўлар қиёмат қойим.

Қиёмат кун Тангрига аён,
Оятларда қилинган баён.

Бошимизда катта имтиҳон,
Бир кун бўлар қиёмат қойим.

ЭСКИ ШЕЪР

Ёзганим ёлчиган шеърдир демасман,
Дардимни кўтарган сизга қойилман.
Сиз шоир десангиз қарши эмасман,
Китоби чиқмаган шоирман.

Дунёда ҳар кимга армон ёмон-да,
Китобим излабди кимдир Қўқонда.
Ахир мен Бачқирнинг чўли томонда,
Китоби чиқмаган шоирман.

Ёр шўрлик bemavrid акса урмайди,
Уч яшар ўғлим ҳам шеърим тинглайди.
Отаси не ғамда, қизим билмайди,
Китоби чиқмаган шоирман.

Шукурким, гоҳида дўстлар чорлайди,
Шеър айтсам юрагим қаддин ростлайди.
Яхшиям қофозни моғор босмайди,
Китоби чиқмаган шоирман.

Машҳурман мен фақат уйдагиларга,
Кўчада ғаним кўп майна қиласарга.
Кўрсатиб қўяман десам уларга,
Китоби чиқмаган шоирман.

УЛУФ

Дур тариқдек бўлса ҳам,
Тоғ бўйи тошдан улуг.
Етти ёт бегоналар,
Гоҳ қариндошдан улуг.

Не ажаб дунё экан,
Бошга тўлди ғам-алам.
Ердаги ёнгоқ надир,
Бу ғарив бошдан улуг.

Дўст қидир олам аро,
Ёв оёқ остидадир.
Мард кишилар дўстлиги,
Кўз ила қошдан улуг.

Чўкса дил ғам кўлига,
Илма, Мирзо, қўзга ёш.
Дардинг айтилган қўшиқ,
Бир ҳовуз ёшдан улуг.

ОҚ ЎРДАК

Ойдин кўлда оқ ўрдак,
Ўполмадим бўйнидан.
Қандай тортиб оламан,
Энди бирор қўйнидан...

Илинмади бу кўлга
Мен-да тузоқ қўйгандим.
Золим сайёд бўлсан ҳам,
Оқ ўрдакни суйгандим...
Соҳиллардан бўйласам,

Жилмаяди сув юзи.
Ер юзида биттадир,
Сув ўлканинг шу қизи.

Энди бўлди, барига
Силтаурман қўлимни.
Босиб кетсин нилуфар,
Ўрдаги йўқ қўлимни!

СЎНГГИ ИЛТИЖО

(*Тобут тутиб ёзган шеърим*)

Не кўргулик, меҳрингизга тўёлмадик,
Бир умрга айрилдикми, наҳот, сиздан.
Фарзанд бўлиб сизни рози қилолмадик,
Отагинам, рози бўлиб кетинг биздан.

Дунё кўриб отангизни кўрмагансиз,
Ҳалол юриб, ҳаромга қўл урмагансиз.
Мард эдингиз, номардга қўл бермагансиз,
Отагинам, рози бўлиб кетинг биздан.

Меҳнатдан бош олмадингиз бизлар учун,
Бутун умр тинмай ўғил-қизлар учун,
Минг бор узр, яхши-ёмон сўзлар учун,
Отагинам, рози бўлиб кетинг биздан.

Сиз кетсангиз бирор меҳр сочмас экан,
Ўғлим дея ҳеч ким бағир очмас экан.
Ҳайҳот, Мирзо доди сизга етмас экан,
Отагинам, рози бўлиб кетинг биздан.

АКА-УКА БЎЛАМИЗ

Набижон Сатторовга

Гарчи умр – шамчироқ,
Эртами-кеч сўламиз.
Яшаш учун баҳтироқ
Ака-ука бўламиз.

Тунга кунни яратган,
Кулга гулни яратган,
Менга кимни яратган,
Ака-ука бўламиз.

Томоғимда тош қайнар,
Қароғимда ёш қайнар,
Ёв дамига ош қайнар,
Ака-ука бўламиз.

Бир дунё бош, ёқа йўқ,
Ақалар мўл, ака йўқ,
Мендан ёмон ука йўқ,
Ака-ука бўламиз.

Айтдим бору йўғимни,
Айтдим очу-тўқимни,
Отдим сўнгги ўқимни,
Ака-ука бўламиз.

РАСУЛ АКАНИНГ АРМОНИ

*(У Афғон тупроғидан бир оёғидан ажралиб
қайтди, жароҳат ҳамон азобламоқда)*

Ха, ака, оёқми, оёқ керак-да,
Хеч йўқ она қабрин бориб кўргани.
Шояд ўқ тегмаган экан юракка,
Кўлингиз бут, шукр, бола суйгани.

У кунни кўрдик биз, кўрмасин бирор,
Ўх, эрта қаритиб қўяркан уруш.
Ўзиям саксонга бориб қолдиг-ов,
Гавдалар қалтироқ, пешона тириш.

Мен сизга дард айтдим, балки аллаким,
Гап илиб ортимдан отгай таёқлар.
Мен-ку сўзлаверсам тугайди дардим,
Ўрнига келмайди аммо оёқлар.

ОНАМ БОР

Ёмғир ёғар, ёғар кор,
Қор остида қум мозор.
Қабрларнинг бирида,
Менинг шўрлик онам бор.

Бўйларимга тўймаган,
Тўйларимда бўлмаган,
Набирасин кўрмаган,
Менинг баҳтсиз онам бор.

Камситмади одамлар,
Ўкситмади опамлар,
Сўзлаб берар акамлар,
Менинг азиз онам бор.

Улгайдим-ку онамсиз,
Яшолмайман қаламсиз,
Мирзо етим деманг сиз,
Күшигимда онам бор.

ҲАМОН...

Кимни мастан айлар жийдагул,
Кимга маңқул япон сакура.
Нима қиласай, дүстларим, күнгил
Юлғун атрин топмай оввора!

Саксовулу жузғун табаррук
Шевамизда сайраб қоқвошлар.
Танирмиан мени чуғурчук,
Отам құли теккан оқбошлар...

Тошкент тонги барин бирма-бир,
Эслаб тушим унғайларидан!
Илхом олиб ёзаман соҳир,
Сарсонқумнинг тўргайларидан!

Чўпон дилим шукр сер сувга,
Умр ўтди дегунча ҳаш-паш!
Ҳамон оғир Мирзо Дерсуга,
Чўлда ўсиб, шаҳарда яшаш!

ДАДАМДАЙИН ДЎСТ

Гоҳида дўст ҳийласидан лойга ботдим,
Ҳаёт йўлин синовига сўз йўқ экан.

Йиллар ўтиб бир саволга жавоб топдим,
Бу дунёда дадамдайин дүст йўқ экан!

Ғаним тайёр тошларини отар равон,
Бирда бошим, бирда қонаб турар товон,
Ишонганим алдагани бўлди ёмон,
Бу дунёда дадамдайин дүст йўқ экан!

Қадрим бордир давра курса қадрдонлар,
Мехрин бериб меҳрим олар меҳрибонлар,
То қиёмат икрорим шу эй, ёронлар
Бу дунёда дадамдайин дүст йўқ экан!

Оллоҳ берса ҳар кимса ҳам ота бўлур,
Оталарни ранжитмоқлик хато бўлур,
Сўнг бир сўзга жисму жонинг ато бўлур,
Бу дунёда дадамдайин дүст йўқ экан!

ФЕВРАЛЬ

Ахтараман ўзимга қиёс,
Уч-тўртта шеър ёзиб қўйдим деб.
Мендан аввал неча минг ҳассос,
Ўтган назм ташвишини еб.

Даллол қайдан Ҳақ қоқмаса им?
Топгандайман ўхшашликни сал.
Ахир мени туғилган куним,
Йигирма тўққизинчи февраль.

ДАЛДА

Ғанимларим, ғам еманг асло,

Тиғласам ўзимни тиғлайман.
Озор бермай ерга деб ҳатто,
Кўз ёши тўқмасдан йиғлайман.

Кўринсам барчага шод бўлиб,
Иғвогар қийналсин мот бўлиб,
Оллоҳдан ўзгага ёт бўлиб,
Кўз ёши тўқмасдан йиғлайман.

Гофил бош шайтонга эгилса,
Энг яқин одамдан безилса,
Эзилган юрагим эзилса,
Кўз ёши тўқмасдан йиғлайман.

Кўнгли бўш эмасман аслида,
Ҳар юмуш ҳар кимнинг қалбида,
Тиз чўкиб отамнинг қабрига,
Кўз ёши тўқмасдан йиғлайман.

Дўстга зор, ёвга хор кунимда,
Гоҳ бедор, гоҳ бемор тунимда,
Гоҳ онам кирмаса тушимга,
Кўз ёши тўқмасдан йиғлайман.

Йиғлатиб қўйганлар, кулинглар,
Дунёни тўлдириб юринглар,
Мирзодан хотиржам бўлинглар,
Ҳеч кимга дардимни айтмасдан!
Кўз ёши тўқмасдан йиғлайман.

ВАТАН ГУЛИ

Тўрт фасли тугал юрт, тўрт фасли гўзал,
Боғида олма-ю, тоғида асал.
Ифорин жаннатдан олмишдир Азал,
Ҳар гулинг атрига хуморман Ватан!
Райҳонингдан қанча қарздорман, Ватан!

Қаердадир музлик ҳукмрон абад,
Қайдадир оловдай ёнар табиат,
Ўзга неъматингни гапирмай фақат,
Райҳон боши чиқмас ёр-ёрдан, Ватан!
Райҳонингдан қанча қарздорман, Ватан!

Гуллари кўзмунчоқ, барги юракча,
Кулбаю қасрда бирдай малакча,
Дунё гули бўлак, райҳон бўлакча,
Сен борки, дунёда мен борман, Ватан
Райҳонингдан қанча қарздорман, Ватан!

Кўрган кўнгил минор бўлиб ўсади,
Чумолига чинор бўлиб ўсади,
Эркалаб Мирзонинг йўлин тўсади,
Пойинг ўпид бошим осмонман, Ватан!
Райҳонингдан қанча қарздорман, Ватан!

ЭРКАК

Дунё кезиб ризқ терган одам,
Иш чатоқ деб айтмасин эркак.
Тонгдан тунга қадар юрса ҳам,
Уйга қуруқ қайтмасин эркак!

Йўлин пойлар кўзин қораси,
Фарзандларин бека онаси,
Эркак зоти уйнинг қояси,
Уйга қуруқ қайтмасин эркак!

Омад келмас қадду-савлатдан,
Эр аҳлини қисма давлатдан,
Ўзинг асра шу маломатдан,
Уйга қуруқ қайтмасин эркак!

Мўл қил ҳалол нону ошини,
Топсин ҳеч қўй керак тошини,
Ҳаёт, эгма йигит бошини,
Уйга қуруқ қайтмасин эркак!

Гар бермасни оши ҳеч пишмас,
Олма пишиб оғзингга тушмас,
Одам ини бузилган қушмас,
Уйга қуруқ қайтмасин эркак!

Баланд-пастли йўл асли дунё,
Гоҳи мулзам, гоҳ дастли дунё,
Яратгандан тилайди Мирзо,
Уйга қуруқ қайтмасин Эркак!

КЕЛИНЧАК

(халқона)

Бу ҳовлининг мен учун,
Дарбозаси ёпилган.
Ой қизига муносиб,

Куёв бола топилган.

Келинчакка оқ рўмол,
Ўранглар-чи, янгалар.
Суйганинг ким эди деб,
Сўранглар-чи, янгалар!

Ким? Ким?
Ким бўлади ким?
Билиб туриб янгалар,
Жим бўлади жим.

Дунё экан тор экан,
Кимда зар, ким хор экан,
Бағритошлар боғида,
Менга нима бор экан!

Уни қандай севардим,
Ой дердим, ой дердим.
Биттагина юракни,
Бой қизига бой бердим.

Келинчакка оқ рўмол,
Ўранглар-чи янгалар.
Суйганинг ким эди деб,
Сўранглар-чи янгалар!

Ким? Ким?
Ким бўлади ким?
Билиб туриб янгалар,
Жим бўлади жим.

ШЕҮРГОХ

Дилим чорлайверар ҳар нафас шеъргох,
Мендан чиқармикан эзгу жангчиси.
Битта озорликни енгдим десам воҳ,
Дил четдан бош тутар яна янгиси.

Хасадгўйда хасад топилган йўсин,
Бағритош қўлида турган чеки ниш.
Армонлар лашкари тортганда қўшин,
Кўнглимда бошланар лирик чекиниш.

* * *

Ҳозир ҳамма нарса пулга ташлар юк,
Қўлингдан келганча савоб қилиб қўй!
Эй, офтоб тафтида яйраган “мушук”,
Офтоб ҳам бекормас шуни билиб қўй!

ТАҚҚОС

*(Бир аёл ўзга юртга ишилагани борди. Унга
тегажсоқлик қилинди. У ўзини тўртинчи
қаватдан ташлаб юборди.)*

Кимгадир қўймоқлик шарт бўлса ҳайкал,
Дилим армонида бор лойиқ номзод!
Яrim жон бўлса ҳам бир пари-пайкар,
Ёр шаъни у зотга ҳаёт ё мамот!

Ўнгу тушларим ҳам кетди чалкашиб,
Орим қулаб тушди чексиз қоядан.

Мен шунча севишиб, яшаб-ажрашиб,
Туртениб кўймадим пиллапоядан!

Эҳ, ана садоқат! Эҳ, ана номус!
Бош урай шу фалаж оёқларига!
У виждон йўлимни ёртиган фонус,
Арзимайман қўлтиқтаёқларига!

* * *

Тилинг узун бўлса гар,
Ўзингга умр тила.
Қўлинг узун бўлса гар,
Етим бошини сила!

ОНА ДИЙДОРИ

Бу қандай дунёдир, бу шундай дунё,
Мехр ҳам, қаҳр ҳам қолмайди пана.
Руҳингиз ранжитиб қўйдиммикан ё,
Тушларимга кирмай қўйдингиз, она!
Мехрин аяганда дўсту бегона!
Тушларимга кирмай қўйдингиз, она!

Сиз орзу этгандек тўйлар бўлган кун,
Кўнглимиш кутгандек меҳмон тўлган кун,
Барча ализлардан азизим нечун?
Тушларимга кирмай қўйдингиз, она!
Пешонам бир силаш tengsiz тўёна!
Тушларимга кирмай қўйдингиз, она!

Жаннат боғларига етдингизмикан,
Биздан рози бўлиб кетдингизмикан,
Кўзга уйқу келмас соғинганимдан,
Тушларимга кирмай қўйдингиз, она!
Менга тинчингиздан айлаб нишона!
Тушларимга кирмай қўйдингиз, она!

Дўсту ёр сўзи ҳам ботиб юракка,
Мирзо сифмай қолар еру фалакка,
Кимга ҳам эракалай сиздан бўлакка,
Тушларимга кирмай қўйдингиз, она!
Дийдор қиёматга қолдими яна!
Тушларимга кирмай қўйдингиз, она!

БИЛИБ-БИЛМАЙ

Билиб-билмай битдим маҳзун сатрлар,
Фаришталар берманг менга эътибор.
Истеъдод яширган неча қабрлар,
Ҳар ҳовуч тупроқда қанча талант бор.

Ўн гулимдан энди очилди бири,
Илҳом излай тўққиз гулим ҳақида.
Шеърларида бўлса шоир тақдири,
Ўлсам ҳам ёзмайман ўлим ҳақида!

ТАВАЛЛУД КУН

Таваллуд кун, бу қандай сана,
Турфа кўнгил талқини турфа.
Кимга оғир, кимга тантана,
Кимга қадаҳ, олтита улфат.

Тугилган кун бу – янги дафтар,
Янги шеърга очиқ сарлавҳа.
Барча сени шарафлар, мақтар,
Сўнг ўзгариб кетар зарлавҳа!

Таваллуд кун бу – шахсий байрам,
Ким хушламас, кимларга ёқса.
Менинг учун умрингда бир дам,
Дунё ёруғ кўринган лаҳза!

МУҲАББАТНИНГ БИРИНЧИСИ

Шамсиiddин Садоийдан

Тошга кўксинг кўйиб ётсанг тош ёнади,
Дарёларга сиринг айтсанг тўлғонади.
Осмонда ой гувоҳ не-не ошиқларга,
Севган бўлсанг севгисидан ким тонади?
Муҳаббатнинг биринчиси ёндиради!
Муҳаббатнинг биринчиси қўйдиради!

Ўпса нетар, ювса кетар деган билан,
Тақдир экан куйдим етар деган билан,
Бол тотини болни тотиб кўрган билар,
Асал ўрнин босмас новвот еган билан!
Муҳаббатнинг биринчиси ёндиради!
Муҳаббатнинг биринчиси қўйдиради!

Ул ёр кетган аллақачон бирор бўлиб,
Балки ёшинг ўтган, сочинг қирор бўлиб,
Дилда ўшал ишқ учқуни, борми тамом,

Олтимишда ҳам севиш мумкин олов бўлиб!
Муҳаббатнинг биринчиси ёндиради!
Муҳаббатнинг биринчиси куйдиради!

ШАДДОДГА ҲАЗИЛ

Энтикиб кутаркан бир қиз ҳар шеърим,
Жон тикиб ўқиркан дилхуш сўзимни!
Қадрин билар экан пешона терим,
Аммо ҳеч ёқтирас экан ўзимни!

Дилдорлар дардига малҳам бўл ашъор,
Дардлар шеър бўлару, шеърлар дард эмас!
Кўникиб кетганман бу ҳолга минг бор,
Қизларга шеър керак, шоир шарт эмас!

БЕХИ

Беҳи ебон топдим дер беҳим,
Беҳиштларни атри ёр экан!
Бу дийдорни ким ўйлабди, ким?
Питерда ҳам беҳи бор экан!

Ватан деган ёқимли сўздек,
Ҳатто номи яйратар жонни!
Эккандир-да бирор бир ўзбек,
Соғингандаги Ўзбекистонни!

КИМ АЛДАСА ЁЛГИЗ АЁЛНИ

Комила Ҳилолдан

Тил учида зор бўламан дер,
Ёлғондакам ёр бўламан дер,
Икки дунё жазосини бер,
Ким алдаса ёлғиз аёлни!

Ўлган жонни тепмоқقا пайдо,
Сохта ошиқ, зўраки шайдо,
Кечирмасин Худойим асло,
Ким алдаса ёлғиз аёлни!

Армонлари чиқсин фалакка,
Тилаги тош ботсин юракка,
Ёлчимасин бирор малакка,
Ким алдаса ёлғиз аёлни!

Етмасин дил хилолларига,
Ўт кетсин шум хаёлларига,
Қолсин ҳаёт малолларига,
Ким алдаса ёлғиз аёлни!

Умр тиланг вафо ҳаққига,
Нафси қазо қилсин баҳтига,
Дуч келмасин аёл қасдига,
Ким алдаса ёлғиз аёлни!

ОНАСИ БОРЛАР

Юз йил фарёд қилинг, бўлмас бир садо,

Бу дардни билишгай онага зорлар.
Куйган юраклардан чексиз илтижо,
Онангизни асранг, онаси борлар!

Ярим тун қайтасиз уйингизга шод,
Шукур, останада пойлайди бир зот,
Буни ҳаёт дерлар, ўткинчи ҳаёт,
Онангизни асранг, онаси борлар!

Волида дуосин савоби катта,
Бало-қазолардан панох, албатта,
Бевафо дунёда қолманг ғафлатда,
Онангизни асранг, онаси борлар!

Юз минг пора менинг күнглим билсангиз,
Ога-иним, опа-синглим бўлсангиз,
Мухлисим, энг азиз дўстим бўлсангиз,
Онангизни асранг, онаси борлар!

Ҳеч кимса устунмас ёруғ дунёга,
Бир сўзи топилмас қирқ минг тиллога,
Она қадри жондан азиз Мирзога,
Онангизни асранг, онаси борлар!

ТАСАЛЛИ

Ой юзин ёпмас этак,
Эл дили тилло элак.
Бу санъат сахросида,
Карвон кўп, ризқи бўлак.

Орзуим – гул, янчилар,
Армоним – тиф, санчилар.
Душманим от қамчилар,
Карвон күп, ризқи бўлак.

Кўзларини қилас лўқ,
Булбулман деб урар дўқ,
“Булбул” билан ишим йўқ;
Карвон күп, ризқи бўлак.

Шон бергувчи Эгамдир,
Ол қулгинам дегандир,
Кимлардир ғам егандир,
Карвон күп, ризқи бўлак.

Айтган сўзим тош эмас,
Юраккинам ғаш эмас,
Гарчи биз сирдош эмас,
Карвон күп, ризқи бўлак.

КИТОБ

Қанча чопдим, сүяк этимда,
Ким қайиши, ким ташлади тоб.
Ҳар бетини сурдим бетимга,
Үн саккиз йил қутилган китоб!

Раҳмат айтдим, кўнгил – дояга,
Рухсат билан бошланди бу чоп.
Мана бу кун етди вояга,
Үн саккиз йил қутилган китоб!

Излаганлар бўлди жонсарак,
Кутмаганлар юрди уриб лоф.
Беш мингтага бўлинган юрак,
Үн саккиз йил қутилган китоб!

Тоғ қулади елкамдан яғир,
Нафасга жой бўшатди зардоб.
Остонамни унутма, хайр,
Үн саккиз йил қутилган китоб!

Мирзо Карим шеърлари ҳақида

Шеър – кўнгил таржимони. Кўнгилда неки бўлса уни оддий сўзда ифодалаш қийин. Кўнгил дардларига йўғрилган туйгулар шеър тилидагина ҳаётийлик касб этади. Кўнгилдаги инсоний туйгулар қанчалик соф, шаффоф, тиник бўлса, шеър ҳам шу қадар гўзал, оҳорли ва таъсирчан бўлади. Мирзо Каримнинг шеърларини ўқиб хаёлдан шундай мулоҳазалар кечади.

Мирзо Карим қалами остидан чиқкан мисраларда Муҳаммад Юсуфнинг бегараз ва самимий туйгулари ифодаси бўлган шеърларига хос нурли мавжлар лиммо-лимдай туюлади. Аммо уларда такрор йўқ, қайтариқлар йўқ. Балки улардаги самимийлик, табиийлик, мисрлар ичидағи сўзларнинг эрка товланишларига яқинлик мужассамлашган. Шеърларнинг мавзу қамрови анча кенг. Шунга қарамай улар орасида Она ва Ватан борасидагиларининг залвори оғирроқ.

Эй, баҳтиёр онаси борлар.
Эй, Мирзодек онага зорлар...
Ўқир эдим шодон ашъорлар,
Орангизда онам бўлсайди!

Мирзо Карим ўзбекча сўз имконларини, кучини, қудратини кўрсатишга қасд қилган ижодкор. Энг муҳими, бу “қасд” ниҳоятда табиий, самимий, бегубор, шунинг учун ҳам тенгсиз, қиёссиз (“Бир таъзим этмоққа беринг ижозат”,

“Мен сизни ўйлашим мумкинми?..”, “Беминнат меҳр йўқ мусофири юртда”, “кўнгил учун ўлишим мумкин”).

У Ватан ҳақида ҳам мана шундай баҳорий ифор уфуриб турган мисраларни бунёд этади:

Оқар дарё қадр билан оққани яхши,
Ҳар ким баҳтиң ўз элида топгани яхши.
Ўзга юртни гулига юз босгандан кўра,
Ўз юртини тупроғини ўпгани яхши.
Булбул бўлиб авжинг бўлмас чаман бўлмаса!
Инсон бўлиб қадринг бўлмас Ватан бўлмаса!

У уруш ва тинчлик, ёшлик ва баҳор ҳақида ёзадими, ёки ота-боболарнинг анъаналарини, инсон умрининг мазмун ва моҳияти ёхуд ҳассос дил ўқинчу изтиробларини тилга оладими. Уларнинг барчасида фикрлар рақси, оҳанглар жилваси, янги ва яхши тасвирларнинг муносаб ифодаси кўзга ташланаверади.

Ўзбек адабиётида оталар шаънини улуғлайдиган анча-мунча бадиий асарлар гулдастаси мавжуд. Аммо шоир Мирзо Карим шеърларида бу мавзунинг мутлақо бошқалар илғамаган жиҳатлари нурланади:

Кетмоннинг юзига юзимни қўйдим,
Отамни ўрнига ўзимни қўйдим,
Хотира шудгорин кетмонлаб ўйдим...
Оғир бўлган экан отам кетмони!

“Одам савдоси” сингари шеърлар ижтимоий-сиёсий мавзуларда бўлиши билангина эмас, балки ўзининг гўзал бадиияти билан ҳам ажралиб туради.

Мирзо шеърларида халқона қочиримлар, ибора ва ифодаларнинг ниҳоятда ўринли қўллангани эътиборни тортади: вой айланай, шаҳло қўзингдан, жон куйдириб, атрингдан айланай, қадрингга жоним... Буларнинг барчаси Мирзо Карим шеърларининг шакл ва мазмунига жон киритади, таъсирчанлигини оширади, киши қалбидан барқарор жой олишига кафиллик бериб туради.

Бошқалар қўллаганда прозага мойил оҳанглар пайдо бўлиши мумкин бўлган ҳолатларда ҳам Мирзо шеърларида улар лиризмнинг муносаб омили, ўзбекона тафаккур тарзининг аниқ ифодаси сифатида жаранглайди:

“Ўз йўлимдан адашмасам бас!”, “Афғонда қолган эй, ўн саккиз ёшим!”, “Қарорингиз қачон ўзгарди?”, “Қайси ота йигламайди қиз узатса!”, “Ўзимдан ўтганин ўзим биламан” сингари шеърларда ҳам инсоний туйғуларнинг самимий ифодаси кишини ўзига ром этади.

Мирзо Карим халқ оҳангларини пухта ўзлаштириш йўлида собит қадамлар ташлаб бормоқда:

Сен менга бир қарадинг,
Қараганингга раҳмат!
Икки бор қарамадинг,
Аяганингга раҳмат!

Бундай оҳанглар унинг шеърларини кўнгилларга янада яқин қиласи. Биз шоирнинг янги тортифи азиз китобхонлармизга ҳам манзур бўлади, деган умиддамиз. Барчамизга янги ва яхши бир китоб муборак бўлсин.

**Боқијон Тўхлиев,
филология фанлари доктори, профессор**